Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● 16 январь 1970 йил, жума ◆ № 12 (14.478). ■ Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИН ТУҒИЛГАНИГА 96 КУН ҚОЛДИ

СИЗ ҚАНДАЙ ТУҲФА ТАЙЁРЛАЯПСИЗ?

СИРДАРЁ НУРХОНАСИ

Сирдарё ГРЭСининг қурилиш майдонига бўлажак электр станциянинг биринчи ускуналари келтирилди. Турли механизмлар орасида Тағанрогда тайёрланган катта буғ қозонининг қисмлари бор. Ленинграддан хушхабар олинди. Металл заводи ва «Электросила» заводларининг коллективи ГРЭС учун биринчи турбинани муддатидан олдин тайёрламоқчилар. Ленин шаҳрининг машинасозлари зарбдор қурилиш учун ҳаммаси бўлиб саккизта қудратли турбина тайёрлаб берадилар. (ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКАДА ПАХТАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми «Республикада пахтачиликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, зўр мамнуният билан қуйидагиларни таъкидлайди: КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини юксалтириш тўғрисида, хусусан пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилаётганлиги туфайли беш йиллигининг тўрт йили мобайнида етиштирилган пахта, шундан аввалги тўрт йилдагига нисбатан 1 миллион 730 минг тонна кўпайди. Давлат беш йиллик мобайнида 16 миллион тонна, ёки халқ хўжалик планида кўзда тутилганидан 550 минг тонна кўп пахта олди.

Ўзбекистон партия ташкилоти партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети пленумларининг қарорларини бажара бориб, давлат манфаатлари, бутун совет халқи манфаатлари пахта етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтиришни талаб қилади, деган фикрга асосланиб келди ва ҳозирда ҳам шунга асосланиб иш кўрмоқда. Пахта — бизнинг асосий бойлигимиз, Ўзбекистон меҳнаткашларининг коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтиришга қўшаётган энг салмоқдор ҳиссасидир. Республика меҳнаткашлари пахтачиликни узлуксиз ривожлантириб, мамлакатни тобора кўп миқдорда пахта билан таъминлашни Ватанимиздаги қардош халқлар олдида ўзларининг энг биринчи ватанпарварлик ва интернационал бурчи деб биладилар.

Партиянинг мамлакат қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида катта тадбирларни амалга оширгانлиги, омма ўртасида олиб бораётган буюк ташкилотчилик иши ва сиёсий иш, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассисларининг фидокорона меҳнати шу беш йилликда пахтачиликни тағин ҳам анча юксалтиришни таъминлади.

Республика қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам муваффақиятли суратда ривожланмоқда. Тўрт йил ичида давлатга пландан ташқари 266 минг тоннадан ортиқ дон сотилди, шу жумладан шоли тайёрлаш 1,8 баравар кўпайди. Сабзавот, полиз экинлари, узум, сут, тухум, қоракўл тери, пилла, каноп ва тамаки тайёрлаш планлари ошириб бажарилди. Қорамол туёғи, чўчқа ва парранда кўпайди. Бу эса, саноатни ҳом ашё билан тўла таъминлаш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш имконини берди.

Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун, пахта етиштиришни кўпайтириш учун қурашда суғориладиган ерларни кенгайтириш ва яхшилаш, яни совхозларни ташкил этиш соҳасида кўп иш қилинди. Тўрт йил ичида 200 минг гектардан кўп қўриқ ерга сув чиқарилди. Халқ хўжалик объектлари қурилишига 1,1 миллиард сўмдан зиёд ёки ўтган тўрт йилдагига нисбатан 1,7 баравар кўп маблағ сарфланди. Колхозлар шу мақсад учун ўз маблағларидан салкам 90 миллион сўм сарф қилдилар. Деҳқончилик маданиятини ошириш, суғориладиган ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш соҳасида анча иш қилинди. Бедапоялар кенгайтирилди, минерал ўғитлардан ва бошқа химиявий воситалардан самаралироқ фойдаланиб бошланди. Комплекс механизациялаш, хусусан пахтани машинада териб олиш янада ривожлантирилди, чигитни кенг қаторли қилиб экиш кўпайтирилди. Колхоз ва совхозларнинг экономикаси анча мустаҳкамланди. Колхоз ва совхоз посёлкаларини обод этиш йўлида кўп иш қилинди. Қишлоқ меҳнатчиларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш сезиларли даражада яхшиланди.

Ўтган йил пахтачилик учун жуда оғир келди. Мисли кўрилмаган даражада қаттиқ совуқлар бўлиб, қишнинг чўзилиб кетганлиги, жуда кўп қор ёққанлиги, тошқин ва селнинг даҳшатли тус олганлиги, кўкламнинг кеч келганлиги, ёз ва куз фаслидаги ёғингарчилик — буларнинг ҳаммаси чигит экиш, ғўзани парваришлаш ва пахта ҳосилини йиғиштириб олиш соҳасидаги ишларни ғоят қийинлаштириб юборди.

Аммо пахтакорларнинг ва республикадаги барча меҳнаткашларнинг қаҳрамонона ғайрат-шижоати туфайли яхши ҳосил етиштирилди, 3 миллион 862 минг тонна пахта териб олиниб, давлатга топширилди. Бу — жуда оғир келган йил шароитларида катта ғалабадир.

Қашқадарё область қишлоқ хўжалик меҳнатчилари катта муваффақиятга эришиб, давлатга пландан ташқари 57 минг тонна ва Бухоро область қишлоқ хўжалик меҳнатчилари пландан ташқари 54 минг тонна пахта топширдилар. Сурхондарё ва Хоразм областларининг пахтакорлари пахта тайёрлаш планини ошириб бажардилар. Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг бошқа областларидаги колхоз ҳамда совхозлар табиий офатга қарши курашда қўлга киритилган ана шу катта ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар. Республиканинг 46 райони, 519 колхози ва 95 совхози пахта тайёрлаш планини бажарди.

Фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга жорий қилган, суғориладиган ерлардан ва минерал ўғитлардан самаралироқ фойдаланган Хоразм областидаги хўжаликлар пахта ҳосилдорлигини ошириб, гектар бошига 32 центнер, Сурхондарё областидаги хўжаликлар 29,5 центнер, Қашқадарё областидаги хўжаликлар 28,7 центнер, Бухоро областидаги хўжаликлар 25,2 центнер пахта олдилар. 16 район гектар бошига 30 центнердан ортиқ, шу жумладан, Жарқўрғон райони 35,2 центнердан, Шўрчи, Янгиариқ ва Сариосиё районлари 34 центнердан кўпроқ пахта териб олдилар.

Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, шубҳасиз, муваффақиятларга эришилди ва бу муваффақиятларни ҳамма кўриб турибди. Шу билан бирга, пленум муваффақиятлар билан бир қаторда камчиликларни кўрмай қолиш хато бўлур эди, деб ҳисоблайди. Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасидаги ишларда қали кўп камчиликлар ва ҳал этилмаган масалалар бор. Партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, қишлоқ хўжалигидаги барча меҳнаткашларнинг эътиборини ана шу масалаларга қаратиш зарур.

Республиканинг кўп районларида, хусусан Фарғона, Наманган ва Андижон областларидаги хўжаликларда фақат пахта экилаётганлиги пахта етиштиришдаги ўсишнинг тўхталиб қолганлигига асосий сабаб бўлмоқда. Ана шу хўжаликларда экинлар структурасида пахтанинг салмоғи 80-90 процентга бориб етади. Алмашлаб экишга етарли эътибор берилмаганлиги, айни бир майдонларда пахта сурункасига неча ўн йиллар мобайнида етиштиларверганлиги сабабли тупроқнинг маҳсулдорлиги кескин суръатда камайди, ғўзанинг вилт билан касалланиши ғоят кенг тус олди.

Шу билан бирга, бир қанча колхоз ва совхозларда ер-сув ресурслари ва моддий-техника ресурсларидан унумсиз фойдаланишга йўл қўйилмоқда, фан ва илғор тажриба ютуқлари ишлаб чиқаришга суст жорий қилинмоқда, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун кураш етарли даражада олиб борилмаяпти. Кўп хўжаликларда комплекс механизацияни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик техникаси ва минерал ўғитлардан самаралироқ фойдаланиш учун қаттиқ чоралар кўрилмаётир, пахта етиштириш агротехникасида, тупроқнинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасидаги ишларда жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси бир қанча хўжаликларда пахта ҳосилдорлигининг пасайишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми республика Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», «Узсельхозтехника» бирлашмаси, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги деҳқончилик маданиятини оширишга етарлича эътибор бермаяптилар, бу соҳада зўр қатъият билан иш кўрмаётирлар, алмашлаб экишни жорий қилишда колхоз ва совхозларга кам ёрдам бермоқдалар, пахтачиликни янада юксалтириш билан боғлиқ бўлган кўп масалаларни ўз вақтида ҳал этмаётирлар, деб ҳисоблайди.

Пахтачиликни юксалтириш учун ана шу энг муҳим соҳага партиявий раҳбарликни бутун чоралар билан кучайтириш, кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялаш ишини янада яхшилаш, уларнинг иш услуби ва методларини такомиллаштириш талаб этилади. Ваҳолонки, кўпгина партия комитетлари ташкилотчилик ва сиёсий ишларининг даражаси партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари томонидан қўйилган вазифаларга ҳануз жавоб бермаётир.

Айрим область ва район партия комитетлари, қишлоқ хўжалигидаги аҳволни чуқур таҳлил этмаяптилар, пахтачиликка юзаки раҳбарлик қилишнинг йўл қўймоқдалар, совет, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги органларининг ва хўжалик раҳбарларининг фаолиятини суст контроль қилмоқдалар, топширилган ишга раҳбарлик қилишни таъминламаётган, кадрларни танлаш ва жойжойига қўйиш ленинча принципларини бузаётган ходимларга нисбатан кўпинча принципсиз ва муросасозлик билан қараб келмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси эканлигини ва республика партия ташкилоти мамлакатни ана шу энг қимматли хом ашё билан таъминлаш учун жавобгар эканлигини ҳисобга олиб, пахтачиликни бутун чоралар билан янада ривожлантириш, пахтани тобора кўп миқдорда етиштириш — республикадаги барча партия ва совет органлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органларининг, колхоз ва совхозларнинг энг муҳим вазифаси ва уларнинг ишларидаги бош йўл деб ҳисобласин.

Ишни шу таҳлитда уюштириш керакки, пахта етиштириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш қишлоқ хўжалиги ходимларининггина эмас, балки республикадаги барча меҳнаткашларнинг, барча министрликлар ва идораларнинг, барча партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, фан ва маданият арбобларининг ҳам асосий қоидаси, биринчи галдаги вазифаси, турмуш қонуни бўлиб қолсин.

Ўзбекистонда яшаб меҳнат қилаётган барча кишиларни пахтани астойдил севиш руҳида, пахта етиштиришни кўпайтириш учун юксак иштиҳор ва жавобгарликни сезиш руҳида тарбиялаш зарур. Ана шу умумхалқ ишидан ҳеч ким четда туриши мумкин эмас.

1970 йилда камида 4 миллион 50 минг тонна пахта тайёрлаш юзасидан белгиланган планнинг бажарилишини таъминлаш — республика партия ташкилотининг шу йилдаги асосий вазифасидир.

Ленин юбилейига тайёргарлик муносабати билан меҳнат ғайрати ва сиёсий фаолият юксалганлигига таяниб, колхоз, совхозларда, бўлим ва бригадаларда социалистик мусобақани янада кенг ривожлантириш, барча пахтакорларнинг кучларини белгиланган планни сўзсиз тўла ва ошириб бажаришга сафарбар қилиш зарур.

Юбилей йили пахта етиштиришда рекордли йил бўлиши керак.

2. Суғориладиган ерларни кенгайтириш ва яхшилаш, сув хўжалиги қурилишини янада ривожлантириш улкан пахта учун қурашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Пленум Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, «Главсредазирсовхозстрой»га, «Узглавводстрой»га, «Узсельхозтехника» бирлашмасига, партия ва совет органларига янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш соҳасидаги ишларнинг янада кучайтирилишини таъминлашни топширади.

Республикада пахтачиликни янада ривожлантириш учун 1970—1975 йилларда камида 500 минг гектар янги ер, биринчи навбатда Мирзачўл, Марказий Фарғона, Сурхон—Шеробод водийси, Амударё этаклари, шунингдек Катта Наманган канали қурилиши, Ому—Бухоро каналининг иккинчи навбати қурилиши зонасида ва республиканинг бошқа ҳамма областларидаги қўриқ массивларда янги ерларни ўзлаштириш лозим, деб белгиласин.

Марши дашти пахта етиштиришни кўпайтиришнинг энг муҳим резерви эканлигини эътиборга олиб, пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси ва республика ҳукуматига шу зонадаги ишларни жадаллаштириш чораларини ишлаб чиқишни топширади.

Хўжаликларнинг ўз ичидаги ерларни тўла ўзлаштириш зарурлигига барча раҳбарларнинг эътибори жалб қилинсин, колхоз ва совхозларнинг ўз маблағлари ҳисобига суғ хўжалиги ишларини амалга ошириш соҳасидаги ташаббуси ҳар томонлама рағбатлантирилсин ва ривожлантирилсин, ана шу олижаноб ишда уларга бутун чоралар билан ёрдам берилсин. Суғориладиган ерларни кенгайтириш ва яхшилаш ҳар бир хўжалик учун асосий қонун бўлиб қолиши лозим.

(Давоми иккинчи бетда)

ХИВА районидаги Оғаҳий номли колхоз деҳқонлари нелгуси йил мўл ҳосилига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Колхоз механизаторлари пахта далаларини чуқур ва сифатли шудгор қилишяпти. Суратда: илғор механизатор Мадраҳим Жуманиёзов.

ОТАБОЙ МАТЧОНОВ Урганч районидаги Охунбобоев номли колхознинг илғор механизаторларидан бири. У, пахта даваларини шудгорлашда ўз ҳамкасбларига ибрат кўрсатяпти. Суратда: О. Матчонов.

И. Исмонов фотолари.

ТОШКЕНТ ИСТИҚБОЛИ

ЎЗБЕКИСТОН пойтахтини қайта тиклаш ва реконструкция қилишнинг биринчи навбати тамомланди. Бу — ўтган йилнинг ажойиб воқеаларидан бири бўлди. 15 январда меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг сессиясида Тошкент шаҳар ижроия комитети берган ҳисоботда шаҳарда қилинган улкан ишлар тўғрисида гапиришди. Республика пойтахтида бўлиб ўтган зилзиладан кейин 3,2 миллион квадрат метр уй-жой қурилди.

1970 йил — зилзила оқибатларини тўла тугатиладиган охирги йил бўлади. Депутатлар ана шу муваффақиятларни таъкидлаш билан бирга беш йиллигининг иккиланчи йилида шаҳар хўжалигини ривожлантиришнинг тадбир этилган планини атрофлича муҳокама қилдилар.

Республика пойтахтининг шаҳар Совети тасдиқлаган янги бюджети қарийб 266 миллион сўмни ташкил этади. Ана шу маблағларнинг учдан бир қисми уй-жой қурилишига, мактабларни, болалар муассасаларини кенгайтиришга сарфланади.

«ЯРОСЛАВЛЬ ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИДА ПАРТИЯ ЙИҒИЛИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ПРАКТИКАСИ ТЎҒРИСИДА» КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII пленуми «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия йиғилишларини ўтказиш практикаси тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг қарори ва Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ В. Г. Ломоносовнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, шуни зўр мамнуният билан таъкидлайдики, партиямизнинг, унинг Марказий Комитетининг партия турмуши ленинча нормаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган қатъий, саботли ва изчил йўли партия раҳбарлигининг услуби ва методларини такомиллаштиришга, партия ташкилотлари фаолиятини яхшилашга тобора баракали таъсир қилиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия йиғилишларини ўтказиш практикаси тўғрисида»ги қарори партия қуйи бўғинларининг жанговарлигини янада ошириш ҳақидаги ленинча ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Ўзбекистон Компартияси учун ҳам актуал аҳамиятга эга бўлган бу қарорда коллектив раҳбарлик органлари, коммунистларни сиёсий тарбиялаш мактаби бўлган партия йиғилишларининг алоҳида муҳим роли яна бир карра таъкидлаб ўтилган.

Республика партия органлари КПСС XXIII съезди қарорларини ва Марказий Комитет кўрсатмаларини бажара бориб, бошланғич ва цех партия ташкилотларига раҳбарликни бирмунча яхшиладилар, партия бюролари ва партия комитетларининг секретарлари, аъзолари составини мустаҳкамладилар, уларни ўқитишга кўпроқ эътибор бермоқдалар. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида кўпгина бошланғич партия ташкилотлари жўшқин ҳаёт кечирмоқда, уларнинг фаолияти тобора мазмунли, иш формалари ва методлари хилма-хил, иш натижалари таъсирчан бўлиб бормоқда. Коммунистларнинг активлиги ва ташаббускорлиги ошди, партия йиғилишларини ўтказиш практикаси такомиллашмоқда.

Кўпгина партия ташкилотларидаги коммунистларнинг йиғилишларида ишлаб чиқариш, сиёсий иш, партия ички ҳаёти, маданий қурилишнинг энг муҳим масалалари асосий ўрин оладиган бўлиб колди. Коммунистларнинг Уставдаги ўз мажбуриятларини қандай бажараётганлиги тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаш одат тусига кириб бормоқда. Коммунистлар КПСС Марказий Комитети пленумларининг якунларини, партия билан давлат ташқи ва ички сиёсати масалаларини зўр қизиқиш билан муҳокама қилмоқдалар. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги яқинлашиб келаётганлиги муносабати билан меҳнаткашларнинг коллективлари юбилей мажбуриятларини қандай бажараётганлигига оид масалалар йиғилишларда мунтазам равишда қараб чиқилмоқда.

Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё ва бошқа айрим область партия комитетлари, кўпгина шаҳар ва район партия комитетлари, партия йиғилишларини чақиришнинг Уставда белгиланган муддатларига қаттиқ риоя этилишига қунт билан ҳаракат қилмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, область, шаҳар ва район комитетларининг аъзолари партия йиғилишларида тез-тез иштирок этадиган, шу йиғилишларни тайёрлаш ва ўтказишда амалий ёрдам берадиган бўлиб қолдилар.

Хоразм, Тошкент, Бухоро ва бошқа областлардаги бир қанча партия ташкилотларида йиғилишларни кўпчилик коммунистлар аввалдан тузилган планга мувофиқ тайёрлаши сингари практика тобора кенг ёйилмоқда. Кўпгина ташкилотларда партия бюролари ва партия комитетлари ўз иши ҳақида аввал қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши тўғрисида таклифлар ва танқидий мулоҳазаларни қараб чиқиш ва амалга ошириш натижалари ҳақида ҳар бир мажлисда коммунистларга ахборот бериб туришибди., Ана шуларнинг ҳаммаси коммунистларнинг активлигини кучайтиради, меҳнаткашлар коллективи олдида турган конкрет вазифаларни ҳал этиш учун уларнинг масъулиятини оширади.

(Давоми иккинчи бетда)

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДА 24 СОАТ

РЎЙХАТ БОШЛАНДИ

✦ Ўзбекистон харитасига рўйхатга олинувчи участкаларнинг чегаралари белгиланган кўпдан-кўп чизиқлар туширилди. Бутун-иттифоқ аҳоли рўйхати бошланди. Республикада рўйхатга олувчи қарийб 32 минг ҳисобчи тайёрланди. Улар 15. январь эрталаб ишлаш равишда ишга киришдилар.

САМАРАДОР БЎЛСИН

✦ 15 январь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий ходимлари активининг республика олимлари ва мутахассислари иштирокида йиғилиши бўлиб ўтди. Республика Фанлар академиясининг президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси О. С. Содиков илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш чоралари тўғрисида доклад қилди.

ТОЖИК ТИЛИ ЛУҒАТИ

✦ Тожик адабий тили изоҳли луғатининг иккинчи жилди босилиб чиқди.

Изоҳли луғат нашри Рўдакий замонидан бошлаб йигирманчи аср бошларига қадар классик тожик-форс адабиётининг материалларига асосланган.

(ТАСС мухбири).

Душанба.

Дўстлик секциялари тузилди

✦ **БАМАКО, 15 январь. (ТАСС). Африка, Осиё халқлари бирдамлиги Мали комитетининг қарорига биноан бу ерда Совет Иттифоқи халқлари билан дўстлик секцияси тузилди.**

Дўстлик секцияси келажакда Совет Иттифоқи халқлари билан дўстлик Мали уюшмасига алмаштирилажаги комитет қарорида уқтириб ўтилади.

СУВ ТОШҚИНИ

✦ ЛОНДОН. 15 январь. (ТАСС). Португалия пойтахти Лиссабонда шарқи шимолдаги Тежу дарёси водийсида жойлашган бир қанча районларда кўп сув тошди. Тежу дарёси соҳилидан қўтарилиб, Сантарев шаҳри яқинидаги катта-катта жойлар сув остида қолди.

Тошқин экинларга катта зарар етказди, кўпгина уй-жойлар вайрон бўлди, коммуникация линияларига шикаст етган.

ЧССР ФЕДЕРАЛ МАЖЛИСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

СССР Олий Советининг таклифига биноан, Чехословакия Социалистик Республикаси Федерал мажлисининг делегацияси 15 январда расмий дўстлик визити билан Москвага келди. Делегацияга Чехословакия Социалистик Республикаси Федерал мажлисининг раиси Далибор Ганес бошчилик қилади.

Делегация составида халқ палатасининг раиси Соня Пённигерова, Миллатлар палатасининг раиси Войтех Мигалик, Чехия миллий кенгашининг раиси Эвжен Эрбан, Словакия миллий кенгашининг раиси Ондрей Клокоч, Федерал мажлис раисининг ўринбосари Олдржих Воленик, депутатлардан Матей Берник, Ярослав Гавличек, Ружена Коларова, Зденек Копецкий, Миркс Матнаш, Михал Хорват, Вацлав Пацнерлар бор.

(ТАСС).

РЕСПУБЛИКАДА ПАХТАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Бошн биринчи бетда)

Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш соҳасида иш олиб бориш билан бирга, суғориладиган ерларни сув билан кўпроқ таъминлаш учун бир қанча тадбирлар амалга оширилсин, яқин йиллар ичида Андижон, Чорвоқ, Туямўйин, Ғовасой, Чодоқ, Ҳисорак ва Шўрқўл сув омборлари қурилсин, Тахиатош гидроузели қурилиши жадаллаштирилсин, серсув ҳавзаларнинг сувини суви кам ҳавзаларга оқизиш соҳасидаги ишлар қизитиб юборилсин.

Мелиорация ишлари суръатларини бундан буён ҳам узлуксиз жадаллаштириш, ерларни кенг миқёсларда текислаш, очиқ ва ёпиқ зовур системаларини қуриш, вертикал зовурларни ишга солиш, каналларга бетон ётқизишни жадал суръатлар билан амалга ошириш, сизот сувларни суғориладиган ерлардан бошқа жойларга оқизиш учун коллекторлар қуриш зарур.

Суғориш системаларининг самарадорлигини ошириш мақсадида уларни бундан буён ҳам техника жиҳатидан реконструкция қилиш, суғориш ва коллектор-зовур шохобчаларидан фойдаланишни юксак даражага кўтариш, шунингдек сув ресурсларидан яхши фойдаланиш учун, суғориладиган ерларнинг ҳар гектарини сақлаб қолиш ва ундан ғоят унумли фойдаланиш учун ходимларнинг жавобгарлигини ошириш лозим.

Амударё, Қорадарёда ва республиканинг бошқа дарёларида қиғроқни ихота қилиш ва селга қарши ишларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш жадаллаштирилсин ва бу ишлар кучайтирилсин.

Ҳажми ортиб бораётган сув хўжалиги ишларини бажариш учун сув хўжалиги ташкилотларининг ишлаб чиқариш-қурилиш базаларини зўр бериб ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлашни кўпайтириш зарур.

3. Пленум пахта билан беда алмашлаб экишни тез ўзлаштириш пахтачиликни янада юксалтириш ишида энг муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга, деб ҳисоблайди. Пахта билан беданн алмашлаб экиш тупроқнинг унумдорлигини ошириш негизи бўлиб, вилтга қарши курашнинг кескин чорасидир.

Республика Қишлоқ хўжалик министрлигига, «Главсредазирсовхозстрой»га, область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига ҳамма жойда алмашлаб экишни планли суръатда жорий қилиш соҳасидаги ишларни қизитиб юборишни, бу йил республикада пахтаси вилт касалидан қаттиқ зарарланган 300-350 минг гектар ерга беда, маккажўхори, оқ жўхори, дон ва сабзавот-полиз экинлари экилишини ва шу экинлардан бўшаган ана шунча миқдордаги ерга чигит экилишини таъминлаш топширилсин.

Ҳар бир колхоз ва совхозда экинларни навбатма-навбат экиш бош планини дарҳол ишлаб чиқиш зарур.

Бу йил камида 120 минг гектар майдонга беда экишни таъминлаш, суғориладиган ерларда беда-поя ларнинг умумий миқдорини 320 минг гектаргача етказиш ва барча хўжаликларда алмашлаб экишни жорий қилишни яқин 5-6 йил ичида тугаллаш вазифасини қўйиш керак.

Узбекистон ССР Госпланига, Қишлоқ хўжалик министрлигига, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, «Узсельхозтехника» бирлашмасига, область партия комитетлари ва область ижроия комитетларига 1971—1975 йилларга мўлжалланган янги 5 йиллик план юзасидан тегишли тадбирларни пухта ишлаб чиқиш, бу тадбирларни алмашлаб экишни тезроқ жорий қилишга, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни узлуксиз кўпайтиришга бўйсундириш топширилсин.

Маҳаллий партия ва совет органларига алмашлаб экишни жорий қилиш тадбирларини партия комитетларининг пленумларида, меҳнаткашлар депутатлари советлари сессияларида, актив йиғилишларида муҳокама қилишни ўюштириш тавсия этилсин. Алмашлаб экиш учун умумхалқ юришини бошлаб юбориш керак.

4. Пленум пахта ҳосилдорлигини ошириш аввалдагидек бундан буён ҳам пахта етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги энг муҳим вазифа бўлиб қолишини эътиборга олиб, республика Қишлоқ хўжалиги министрлигига, «Главсредазирсовхозстрой»га, область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига ҳосилдорликни ошириш резервларини қидириб топиш ва улардан тўлиқ фойдаланиш борасидаги ташкилотчилик ишини кучайтиришни топширади.

Республикадаги колхоз ва совхозлар пахта ҳосилини кўпайтириш учун катта имкониятларга эгадир. Улар техника, сув ва ўғит билан етарли миқдорда таъминланган. Ана шу қудратли омиллардан тўлароқ фойдаланишга пахтакорларнинг эътиборини жалб этиб, пахтакорларни маънавий ва моддий рағбатлантиришни кенг жорий этиш, илғор хўжаликларнинг тажрибасини сабот билан қўлланиш ва фач ютуқларидан қунт билан фойдаланиш — партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг бурчидир. Ҳосилдорликни ошириш ҳар бир колхоз ва совхознинг, ҳар бир бригада ва пахтакорнинг жонажон иши бўлиб қолмоғи керак.

5. Пленум партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига пахта ҳосилдорлигини оширишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган минерал ўғитлардан ва бошқа химиявий воситалардан янада самарали фойдаланиш чораларини кўришни, уларни ташиб келтириш ва сақлаш ишини яхшилашни, тупроқ карталари ва агрохимия картограммалари асосида ҳар бир даланинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, хўжаликларда ўғитни тўғри тақсимлашни топширади. Тупроқ унумдорлигини оширишнинг муҳим воситаси бўлган маҳаллий ўғитлардан кенг фойдаланиш зарур.

Авиация ёрдамида химиявий ишларни уюштириш, ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказиш учун қишлоқ хўжалик органларининг, ўсимликларни химоя қилиш станцияларининг ва қишлоқ хўжалик авиациясининг жавобгарлиги оширилсин.

Республика химия саноати ходимлари олдига қишлоқ хўжалигини зарур миқдорда минерал ўғитлар билан ва ўсимликларни химоя қилувчи химиявий воситалар билан таъминлаш вазифаси қўйилсин.

6. Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва унинг жойлардаги органларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига пахтачиликни комплекс механизациялашни ҳар томонлама ривожлантириш, мавжуд қишлоқ хўжалик техникасидан ва ер қазиш механизмларидан мақсадга мувофиқ ва ғоят унумли фойдаланиш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш, хосил йиғимини механизациялаш даражасини оширишга қаратилган йўлни изчиллик билан амалга ошириш, машина терими усталарини кўпроқ тайёрлаш, чигитни кенг қатор ораларига экишни пахтачиликда прогрессив йўл деб билиб, бу усулни кенг қўлланиш топширилсин.

Чигит кенг қаторлаб экиладиган майдонлар келгуси баш йилликнинг охирига бориб тахминан 800 минг гектарга етказилсин, қўриқ ерларда эса, пахтанинг ҳаммаси, қоида тариқасида, фақат шу усулда етиштирилсин.

«Узсельхозтехника» органларига колхоз ва совхозларга техника хизматини кескин суръатда яхшилашни таъминлаш, хўжаликларга тўла комплекс хизмат кўрсатишга ўтиш чораларини тезликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилсин.

Конструкторлик ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарига пахтачилик учун янги, мукаммалроқ машиналар конструкциясини тузиш ва бу машиналарнинг тайёрланишини таъминлаш, шу жумладан, ёввойи ўтларни илдизи билан юлиб оладиган, кичик суғориш шохобчаларини балчиқ ва лойдан тозалайдиган машиналар, экиш олдидан далаларни ишлаб, айни вақтда ўғит соладиган машиналарни, ғўзанинг ўсиш даврида суғориш ишларини механизациялаштириш учун керакли машиналарни, ҳосилни қаватма-қават йиғиштириб оладиган пахта териш машиналарни, ғўзапояни йиғиб оладиган мукаммалроқ машиналарни ва бошқа машиналарни тайёрлашни таъминлаш топширилсин. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватини жадал ошириш зарур.

7. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ғўзанинг вилт касаллиги билан кураш соҳасида илмий-тадқиқотларни кескин суръатда кучайтириш зарур эканлигини кўрсатиб, илмий тадқиқот муассасаларининг эътиборини шунга жалб этади. Бу вазифани ҳал этиш — СоюзНИХИ, Ўсимликларни химоя қилиш Ўрта Осиё институти, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг пахта селекцияси ва уруғчилиги институти, ўсимликлар экспериментал биологияси институти ва пахтачилик соҳасида тадқиқот ишларини олиб бораётган республикадаги бошқа илмий муассасаларнинг ишида бош йўл бўлиб қолиши лозим.

Селекциячи олимлар бу соҳада жуда муҳим роль ўйнайдилар. Улар пахтанинг вилт касалига бардош берадиган, тезпишар, янги, юқори ҳосилли навларини топиш учун бутун куч-ғайратларини сарф қилишлари керак. Пахта уруғчилигини янада яхшилаш лозим.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Пахта тозалаш саноати министрлиги уруғчилик ишларини яхшилаш учун қатъий чораларни амалга оширишлари ва вилт касалига дучор бўлмаган районларга бу касалнинг тарқалишига йўл қўймасликка алоҳида эътибор беришлари лозим.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, область ва район партия, Совет ва қишлоқ хўжалик органларига, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига пахтанинг вилтга бардош бера оладиган мавжуд янги навларини тезликда кўпайтиришни таъминлаш топширилсин, токи чигитнинг вилт касалидан қаттиқ зарарланадиган навлари якин 2-3 йил ичида бутунлай экилмасин.

8. Қишлоқда капитал қурилишни кучайтириш, янги колхоз ва совхоз поселкаларини қуриш ҳамда мавжуд поселкаларни қайта қуриш, уларни электр, газ, сув билан таъминлаш ва обод қилиш пахтачиликни юксалтириш билан бевосита алоқадор бўлиб, меҳнат унумдорлигини оширишнинг ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмушини яхшилашнинг муҳим шарти эканлигини таъкидлаб, пленум республика Қишлоқ хўжалик министрлигига, Қишлоқ қурилиши министрлигига, Қурилиш министрлигига, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига, «Главсредазирсовхозстрой»га ва «Узколхозстрой»га қишлоқда қурилиш юзасидан берилган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашни, қурилиш-монтаж ташкилотларининг ишлаб чиқариш базаларини янада ривожлантириш чораларини кўришни топширади. Лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари ишни шу тарика уюштиришлари керакки, янги совхозлар қурилиши кўпи билан 3-4 йилдан кечикмай тугаллансин.

9. Пленум область, шаҳар ва район партия комитетларига пахтачилик ишларига партиявий раҳбарликни кучайтиришни, қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил этиб, омма ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишни такомиллаштириш, раҳбарликнинг илмий методларини кенгроқ жорий этишни, колхоз ва совхозлар, министрликлар ва идоралар, лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот муассасалари бошланғич партия ташкилотларининг роли ҳамда активлигини ошириш чораларини кўришни топширади.

Қишлоқ хўжалик кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш учун талабчанлик ва жавобгарликни ошириш зарур, кадрлар масаласида ленинча принципларни қаҳрандай тарзда бузишга нисбатан муросасиз бўлиш, давлат топшириқларининг бажарилишига систематик равишда халақит берадиган, хўжасизлик ва исроф гарчиликка йўл қўядиган кишиларга қатъий зарба бериш керак. Интизомни мустаҳкамлаш ва кадрларнинг жавобгарлигини ошириш учун кураш бир кампания бўлмай, балки партиямизнинг қатъий ва изчил йўли эканлигини эсда тутиш лозим.

Барча партия комитетлари колхоз ва совхоз мутахассислари, раҳбар ходимларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигидаги оммавий касб кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини қаттиқ контроль қилиб туришлари, бу кадрларнинг муқим ишлаб қолишини таъминлаш, улар учун зарур ишлаб чиқариш ва маданий-маиший шароитларни вужудга келтириш чораларини кўришлари лозим.

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига ўз таъсирларини кўчайтиришлари, колхознинг янги Уставига қаттиқ риоя қилинишини таъминлашлари керак. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармалари район ижроия комитетларининг қишлоқ хўжалик бошқармаларига айлантирилганлиги муносабати билан вужудга келган катта имкониятлардан тўла фойдаланилсин. Қишлоқ меҳнаткашларининг эҳтиёж ва талабларини қондириш, халқ маорифи, медицина хизмати, социал таъминот, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш, посёлкаларни обод қилиш, уй-жой ва йўл қурилиши ишларини яхшилаш масалалари маҳаллий Советларнинг фаолиятида асосий ўрин олиши лозим.

Касаба союз ташкилотлари социалистик мусобақа ва коммунистик меҳнат ҳаракатини бутун чоралар билан ривожлантиришлари, колхозчилар ва совхоз ишчиларини ишлаб чиқаришни бошқаришга қунт билан жалб этишлари, интизомни мустаҳкамлаш, меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя этиш ҳақида доим ғамхўрлик қилишлари лозим.

Қишлоқ комсомол ташкилотлари асосий эътиборни ҳар бир йигит ва қизни меҳнатга, техникага, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига, ер ва пахтага муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратишлари керак. Комсомоллар ёш деҳқонларнинг, қишлоқдаги барча йигит ва қизларнинг пахта етиштиришни кўпайтириш йўлидаги курашига етакчилик қилишлари лозим. Сув хўжалиги иншоотлари, саноат корхоналари қурилиши, янги ерларни ўзлаштиришни оталиққа олиш соҳасидаги ишларни кучайтириш — комсомолнинг шарафли ишидир.

Партия ташкилотларининг идеология соҳасидаги бутун иши улкан пахта учун курашга бўйсундирилиши керак. Бунинг учун одамларга таъсир кўрсатишнинг ҳамма форма ва воситаларидан — матбуот, радио, кино, телевидение, адабиёт ва санъатдан тўла ҳамда кенг фойдаланиш лозим. Ёзувчилар, композиторлар ва рассомларнинг асарларида пахтакорларнинг қаҳрамонона меҳнатини ёрқин акс эттириш зарур.

* * *

Пленум Узбекистон партия ташкилоти улкан пахта учун курашни республикадаги барча меҳнаткашларнинг жонажон ишига айлантириш, В. И. Ленин туғилган кунга юз йил тўладиган 1970 йилни пахта етиштиришни янада кўпайтириш йилига айлантириш учун ҳамма чораларни кўради, деб қатъий ишонч билдиради.

«ЯРОСЛАВЛЬ ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИДА ПАРТИЯ ЙИҒИЛИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ПРАКТИКАСИ ТЎҒРИСИДА» КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

(Боши биринчи бетда)

Шу билан бирга Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ҳисоблайдики, республиканинг кўпгина бошланғич партия ташкилотларида коммунистларнинг йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш даражаси, уларнинг таъсирчанлиги ва коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишга ўтказадиган таъсир кучи КПСС Марказий Комитетининг қарорида баён этилган талабларга жавоб бермайди.

Кўп ҳолларда партия йиғилишлари муҳокамасига аҳамиятсиз, актуал бўлмаган кундалик масалалар қўйилади, иқтисодий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, ғоявий-сиёсий иш, ишлаб чиқариш, партия ва давлат интизоми, иқтисод қилиш ва тежамкорлик сингари туб ва жуда зарур масалалар кўпинча партия ташкилотларининг эътиборидан четда колади. Буларнинг ҳаммаси коммунистларни ана шу энг муҳим вазифаларни ҳал этишда бевосита қатнашишдан четлаштириб қўяди, хўжалик раҳбарларини партия контролидан, бошланғич партия ташкилотлари олдидаги масъулиятдан, партиялилар оммасининг танқидидан ҳоли қилиб қўяди.

Партия комитетлари ва бюролари коммунистларнинг ўсиб бораётган сиёсий етуклигини, умумий билим ва маданий-техникавий савиясини етарли равишда ҳисобга олмаётирлар, кенг партиялилар оммасини йиғилишларни тайёрлашга камдан-кам жалб этиб, йиғилишларни фақат бир хил коммунистларнинг тор доираси кучи билан тайёрламоқдалар. Одатда бундай йиғилишлар қизиқиш туғдирмайди, фикр уйғотмайди, қизғин муҳокамага сабаб бўлмайди, расмий тусда ўтади, бошланғич партия ташкилотларидаги ва меҳнаткашлар коллективларидаги аҳволга лозим бўлган даражада таъсир ўтказмайди.

Йиғилишларда қабул қилинадиган қарорлар конкрет бўлмай, умумий, дабдабали тусда бўлиши ҳам пасайтириб юборади. Партия ташкилотлари ўз қарорларида кўпинча ўзларига хос бўлмаган хўжалик вазифаларини ўз зиммаларига оладилар. Шу тарика хўжалик раҳбарларининг ўрнини босадилар ва улар бажариши лозим бўлган ишлар билан шуғулланадилар, уларда масъулиятсизлик кайфиятини туғдирадилар. Кўпгина қарорларнинг ижросини текшириш қониқарсиз ташкил этилмоқда. Ана шуларнинг оқибатларида хўжалик фаолиятидаги ва сиёсий ишдаги камчиликлар суслик билан йўқотилмоқда.

Кўпгина йиғилишлардаги докладларда ва нуқталарда корхоналар, муассасаларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотларининг секретарлари камдан-кам принципиал танқид қилинади, уларнинг шахсий хатолари ва камчиликлари кўпинча партия ташкилотлари ва умуман коллективларнинг гарданига юклаб қўйилади. Коммунистларнинг мулоҳазалари ва таклифларига кўп ҳолларда эътиборсизлик билан қараладиганлиги танқид ва ўз-ўзини танқид қилишни ривожлантиришга ҳалақит бермоқда. Айрим раҳбарлар танқидга жизғаклик билан қарайдилар, кек сақлайдилар, уларни танқид қилган кишиларни баъзан ишда қастдан қийин аҳволга солиб қўядилар.

Йўл қўйиб бўлмайдиган бундай ҳодисаларга партия ташкилотлари ва комитетлари ҳамиша ҳам лозим даражада зарба бераётир деб бўлмайди. Республика, область, шаҳар ва район ташкилотларининг баъзи бир раҳбар ходимлари бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида камдан-кам бўладилар, коммунистлар билан маслаҳатлашиш, уларнинг фикрини сабр-қаноат ва эътибор билан тинглаш эҳтиёжини сезмайдилар. Раҳбарлар йиғилишларни юқоридан танқид қилиш ва навбатдаги кўрсатмаларни бериш учун қулай жой деб билаётган ҳоллар ҳам учраб туради.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказишдаги ана шу ва бошқа катта камчиликлар ва нуқсонларнинг энг муҳим сабаби шуки, кўпгина область, шаҳар ва район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларининг кунда лик ҳаёти ва амалий фаолиятига ҳали ҳам унчалик чуқур кириб бормаётирлар, партия интизомининг аҳволи учун уларга нисбатан бўлган талабчанликни лозим тарзда оширмаётирлар, партия йиғилишларини ўтказиш практикасини дуруст анализ қилмаётирлар ва умумлаштирмаётирлар, кўпинча бу ишдаги камчиликларга муросасозлик билан қарамоқдалар, деб ҳисоблайди.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қарор қилади:

1. КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия йиғилишларини ўтказиш практикаси тўғрисида»ги қарори изчиллик билан бажариш учун дастурламал деб қабул қилинсин.

Область, шаҳар, район партия комитетларига ва бошланғич партия ташкилотларига КПСС Марказий Комитети қарорида кўрсатилган камчиликларни тугатиш учун кескин чоралар кўриш, партия йиғилишларининг коммунистик қурилиш соҳасидаги ҳамма вазифаларни амалга оширишдаги ролини ва таъсирчанлигини янада кучайтиришни таъминлаш топширилсин. Партия комитетлари қунт билан шунга ҳаракат қилсинларки, партия йиғилишлари партия аъзолари ва кандидатларининг, барча меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ёрдам берадиган бўлсин, коммунистларни ва партиясизларни КПСС XXIII съезди қарорларини, партия қўрсатмаларини бажаришга, иқтисодий ишлаб чиқаришни янада юксалтириш, социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, оммани ғоявий тарбиялашни ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш учун курашга сафарбар қилишнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолсин.

2. Партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш практикасини чуқур ва атрофлича анализ қилиш, такомиллаштириш, уларнинг мазмунига алоҳида эътибор бериш, самарадорлигини ошириш партия комитетларидан талаб қилинсин. Партия ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг коллективлари ҳаёти талаб қилаётган, уларнинг фаолияти учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган масалаларни йиғилишларнинг муҳокамасига қўймоқ керак. Цех партия ташкилотларининг роли ва аҳамияти тобора ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, шу ташкилотлардаги партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказишни яхшилашга алоҳида эътибор берилсин.

Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари бошланғич партия ташкилотининг олий органи бўлган ҳар бир йиғилишнинг аҳамиятини кўтаришлари, йиғилишнинг коммунистларни тарбиялаш мактаби бўлишига, уларни сиёсий чиниқтиришга актив кўмаклашишига, ўз ташкилотидаги ва умуман партиядаги ишларнинг аҳволи учун уларнинг шахсий масъулиятини оширишга эришишлари лозим.

3. Пленум ҳар бир йиғилишни пухта тайёрлаш, йиғилишлар уюшқоқлик билан, эркин ва ишчан фикрлашув, юксак принципиаллик ва ўзаро талабчанлик вазиятида актив ўтиши тўғрисида ғоят ғамхўрлик қилиш зарурлиги область, шаҳар, район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотлари, партия бюролари ва комитетлари секретарларининг, аъзоларининг эътиборини жалб қилади. Йиғилишларни олдиндан тузилган планларга биноан тайёрлашнинг тажрибада ўзини оқлаган усулидан кенг фойдаланиш, масалаларни ва қарорларнинг лойиҳаларини тайёрлашга коммунистларнинг кўпчилик оммасини жалб этиш, партиянинг оддий аъзолари ва кандидатлари йиғилишларда тез-тез сўзга чиқиб ўз фикрларини ошкора баҳам кўришлари учун ҳамма зарур шароитларни яратиб бериш партия комитетларига тавсия қилинсин.

4. Партия йиғилишларида танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг аҳв олдириш, танқиднинг таъсирчанлигини ошириш чораларини кўриш область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларининг партия комитетлари ва бюроларига топширилсин. Танқиддан фойдаланиб, ишдаги хато ва камчиликлар тугатилсин ва уларнинг олди олинсин, кадрлар партия ва давлат интизомига қатъиян риоя этиш, топширилган иш учун юксак масъулият руҳида тарбиялансин.

Барча партия ташкилотларида коммунистлар камчиликларни дадил очиб ташлайдиган ва улар принципиал танқид, амалий таклифлар бажонидил қабул қилиб олиниб қўллаб-қувватланишига ишонадиган вазият вужудга келтирилиши керак.

Бошланғич партия ташкилотларининг партия комитетлари ва бюролари танқидий мулоҳазалар ва таклифлар қандай амалга оширилаётганлигини доимо кузатиб туришлари ва бу ҳақда коммунистларни ўз вақтида хабардор қилишлари керак. Район, шаҳар, область ва республика партия, совет, хўжалик ва бошқа органлари шаънига айтилган мулоҳазалар умумлаштирилиб, шу органларга етказилиши лозим. Ана шу органлар нинг раҳбарлари ҳамма танқидий мулоҳазаларни ўз вақтида ва эътибор бериб қараб чиқишлари ва кўрилган чораларни бошланғич ташкилотларга хабар қилишлари зарур.

5. Муҳокама этилган масалалар юзасидан конкрет ва асосли қарорлар қабул қилинишига эришиш бошланғич партия ташкилотларига топширилсин. Қабул этилган қарорларнинг ижросини ташкил қилиш ва текшириш тўбдан яхшилансин, қарорларнинг ижросини пайсалга солишда айбдор бўлган кишилардан қаттиқ жавоб талаб қилинсин. Коллектив бўлиб ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалга оширишда ҳар бир коммунист актив иштирок этиши керак. Шундай практика жорий этилсинки, ҳар бир йиғилишда аввал қабул қилинган қарорлар ва коммунистларнинг таклифлари қандай бажарилганлиги тўғрисида ахборот бериладиган бўлсин.

6. Республика партия ташкилотида ёш коммунистлар катта салмоқни эгаллаб турганлигини, уларнинг кўпчилиги партия турмуши нормаларини ҳали чуқур ўзлаштирмаганлигини ва лозим даражада партиявий чиниқиш сабоғини олмаганлигини, бу эса уларнинг партия йиғилишларидаги активлигига ҳалақит бераётганлигини назарда тутиб, шаҳар, район партия комитетларига ёш коммунистларнинг партия ташкилий тузилиши принципларини, партия ички демократияси асосларини, КПСС аъзоларининг, бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқлари ва вазифаларини ўрганишига доир тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш тавсия қилинсин. Ҳамма коммунистлар ва кенг меҳнаткашлар оммаси КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига аталган Тезисларини ўрганишига алоҳида эътибор берилиши керак.

7. Тошкент олий партия мактабининг, республикалараро ва областларараро курсларнинг, марксизм-ленинизм кечки университетларининг ва партия қурилишини ўрганувчи семинарларининг ўқув планларига коммунистларнинг йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш назарияси ва практикасига доир, шу йиғилишларнинг партия ташкилотлари фаолиятидаги роли ва аҳамиятига доир зарур темаларни киритиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

8. «Узбекистон коммунисти» («Коммунист Узбекистана»), «Партия турмуши» («Партийная жизнь») журналларининг редакцияларига, республика, область ва район газеталарига партия йиғилишлари тўғрисидаги материалларни мунтазам равишда эълон қилиб туриш, бу ишдаги ижобий тажрибани ибрат бўларли тарзда тасвирлаб бериш ҳамда камчиликларни кескин равишда очиб ташлаб танқид қилиш топширилсин.

9. Пленум область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети қарорининг чуқур маъноси ва аҳамиятини ҳар бир коммунистнинг онгига сингдириши, ҳар бир партия ташкилоти партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш практикасини яхшилашга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишини таъминлаши зарур деб ҳисоблайди.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш практикасини ҳар томонлама яхшилаш бутун партия иши савиясини янада ошириш, партия турмуши ленинча нормаларини мустаҳкамлаш учун катта принципиал аҳамиятга эга бўлади, КПСС XXIII съезди қарорларини муваффақиятли бажаришнинг энг муҳим шарти бўлади, деб ҳисоблайди.

*

АНДИЖОН трикотаж фабрикасининг илғор тўқувчиси Соҳиба Йўлчибоева доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига муносиб тўёна ҳозирлаш мақсадида зиммасига оширилган мажбурият олиб, фидокорона меҳнат қилаётир. Унинг бараали ишидан фабрика коллективи миннатдор. Суратда: С. ЙЎЛЧИБОЕВА.

В. СИРОТКИН фотоси.

*

ТОЛАЧИЛАР

1969 йил плани муддатидан илгари бажарилди. Пландан ташқари 758 тонна тола, 188 тонна момиқ ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 2,8 процент юқори кўтарилди. Бир йилда маҳсулот таннархи 134 минг сўмга арзонлаштирилди. Маҳсулотни реализация қилиш плани ортиғи билан адо этилди. Фойда олиш 1965 йилдагига нисбатан 594 минг сўм ўсди. Заводнинг рентабеллик даражаси 58 процентни ташкил этди. Бу — республика пахта заводлари ўртасида юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Коллективимиз тежамкорлик — қўшимча бойлик, деган шиорни ўртага ташлади. Беш йилликнинг ўтган тўрт йили давомида 1 миллион 727 минг киловатт-соат электроэнергия, 703,5 минг квадрат метр ўроб материали, 338 тонна ёнилғи иқтисод қилинди.

Бултур об-ҳаво ноқулай келгани учун пахта тайёрлаш, уни сақлаш ва қайта ишлашда катта қийинчиликлар рўй берди. Завод ва унга қарашли пахта тайёрлаш пунктлари 79 минг тонна пахта қабул қилиб олдилар. Шундан тенг ярми қуритиш-тозалаш цехларидан чиқарилди. Биз бу пахтани қизитиб юбормаслик ва қуйиндига айланмаслиги учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасини қилдик. 72 та вентилятор узлуксиз ишлаб турибди. Энг аввал, хўл пахтани қуритиб-тозалаб, қайта ишладик. Натижада хўл пахта сира нобуд бўлмади. Маҳсулотнинг сифатига ҳам путур етказилмади. Бу, заводимиз коллективининг зўр ютуқларидан биридир.

Шунча нам пахтани сақлаб қолишда А. Турсунов бошлиқ қуритиш-тозалаш цехи коллективининг хизмати таҳсинга сазовордир.

Заводимизда ажойиб йигит — хом ашё етказиб берувчи М. Исломов бор. Мен уни анчадан бери биламан. Бир неча йил бирга ишладик. Серҳаракат, зеҳни ўткир ишчи. Агрегатларнинг тўхтовсиз ишлаши кўп жиҳатдан Муртазо каби хом ашё етказиб берувчиларга боғлиқ. Агар улар пахтани зарур миқдорда етказиб бермаса, агрегатлар қуруқ айланаверади. Баъзи заводларда бунга унча эътибор берилмайди. Бизда агрегатнинг қуруқ айланишига асло йўл қўйилмайди. Муртазо билан ёнма-ён Ш. Зайнобиддинов ишлайди. Жўнгина қилиб, айтганда Ш. Зайнобиддинов бўлмаганда бу участкада иш оқсаб қолган бўларди. Муртазога жуда қийин бўлар эди.

М. Пўлатов, К. Мамадалиев, М. Худойбергановлар каби тола ва момиқ ажратувчилар бўлмаганида ҳам бундай муваффақиятларга эришмаган бўлардик. Слесарь К. Тўхтаевнинг хизматлари ҳам кам эмас.

Биз Бекобод шаҳридаги В. И. Ленин номли металлургия заводи коллективининг Ленин юбилейини муносиб кутиб олиш ва беш йилликни муддатидан илгари бажариш юзасидан белгиланган тадбирларни ўқиб ўрганаётиб қўлга киритган ютуқларимизни эсладик ва истиқбол режаларини тузди к. Бекободликлар ташаббуси бизга жуда маъқул бўлди. Биз ҳам ташаббускорлар изидан боришга бел боғладик.

Т. КАРИМОВ,
Москва пахта тозалаш заводининг директори.
Андижон области.

ЎЗБЕКИСТОН ССР Марказий статистика бошқармаси аҳолини рўйхатга олиш бўлимининг ходимлари 1970 йил аҳолини рўйхатга олишга пухта ҳозирлик кўрдилар. Улар энди тўпланган маълумотларни ҳисоблаб чиқиш ва анализ қилишга тайёрланмоқдалар.

Суратларда: [чапдан] инженерлардан Ф. Мажидова, Н. Разносчикова ва Н. Алиева ўртоқлар рўйхатга олиш материалларини ишлаб чиқишга ҳозирланишяпти. Ўнгда ги суратда эса, Тошкент шаҳридаги Фрунзе райони аҳолини рўйхатга олиш пунктининг ходимлари хонадонларга жўнаб кетишмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

РАЙКОМ ҲИСОБОТИ

Область партия комитети бюроси Қўшқўпир район партия комитетининг ҳисоботини тинглади. Ҳисобот муҳокамасигача область партия комитети 50 дан зиёд мутахассис активлар иштирокида райкомнинг 1967 — 1969 йиллардаги фаолиятини, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлигини ҳамда сиёсий ташкилотчилик ишларининг аҳволини чуқур ўрганди.

Обком бюроси мазкур ҳисобот юзасидан қабул қилган қарорда район партия комитетининг КПСС XXIII съезди ва партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини ўз фаолиятида дастуруламал қилиб муайян муваффақиятларни қўлга киритганлиги, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришга партиявий таъсирни кучайтирганлиги қайд этилди. Шу билан бирга, партиявий раҳбарликда ҳамда партиявий-ташкилий ишларда содир бўлаётган нуқсонлар очиб ташланди. Ҳозир райком ана шу нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тегишли тадбирлар белгилаб чиқмоқда.

НАКАЗЛАР—ИШ МЕЗОНИ

Областдаги ваколат муддати тўлган 742 та бошланғич партия ташкилотларининг раҳбар органлари ва секретарларининг ҳисоботлари коммунистлар томонидан зўр активлик билан муҳокама қилинди. Ҳар бир йиғилишда коммунистларнинг 40 — 50 проценти сўзга чиқиб, умумпартиявий иш манфаатини назарда тутган қимматли мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Урганч шаҳар ва барча район партия комитетлари ҳисобот-сайлов йиғилишларининг якунларини тўплаб чиқдилар, уларда коммунистлар томонидан айтилган танқидий мулоҳазалар ва олдинга сурилган наказларни амалга ошириш режалари тузиб чиқилди. Айни кунларда шаҳар ва район партия комитетлари ўз ходимлари ва ненг активларни ана шу наказларни рўёбга чиқаришга жалб этмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль» шаҳар партия ташкилотида партия йиғилишларини ўтказиш практикаси тўғрисида»ги қарорига амал қилган ҳолда, ҳар бир танқидий мулоҳазани қадрлаб, унинг ижроси учун сиёсий ташкилотчилик ишлари кучайтирилмоқда.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

15 январь. Эрталаб соат 8. Оржоникидзе район «Гулистон» қишлоқ Советидаги аҳолини рўйхатга олувчи 6- участка ходимлари ўзларига бириктилган хонадонларга йўл олишди.

Ҳар бир ишда бўлганидек, — дейди аҳолини рўйхатга олувчи Ғ. Ҳожибеков, — бунда ҳам ишнинг муваффақияти ўша ишни бажарувчи ходимларнинг тайёргарлигига, уюшқоқлигига, ўз вазифасини аниқ билишига боғлиқ. Рўйхатга олиш ишлари пухта ўтказилиши, варақалардаги саволларга одамлар берган жавоблар аниқ қайд этилиши лозим. Маълумки, яппи равишда ўтказиладиган рўйхат варақасида 11 та, танлаб ўтказиладиган рўйхат варақасига эса қўшимча яна 7 та савол киритилган. Агарда, ана шу саволларнинг бирига берилган жавоб нотўғри ёзилса, ишни қайтадан бошлашга тўғри келади. Шунинг учун ҳам биз муҳим, давлат аҳамиятига эга бўлган бу тадбирга жиддий тайёргарлик кўрдик. Рўйхатга олувчилардан коммунист Мели Акбаров, Аъзам Афзалов, Маъруф Дадажоновларнинг ҳар бири ўз вазифасини пухта билиб олишган. Шунинг учун ҳам уларга бириктилган участкаларда рўйхатга олиш уюшқоқлик билан бошланиб, муваффақиятли давом этмоқда.

У. АЗИМОВ.

ТАЖРИБА МАКТАБИ

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг «Красний водопад» тажриба базасида чорвачилик фермаларини механизациялаш илғор тажрибаси ўргатиладиган республика мактабидаги машғулотлар бошланди. Бу ердаги сут соғиш зали дарсхонага айланди, республиканинг донгдор сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Ивановна Чудная муаллимлик вазифасини ўтамоқда. Тошкент областининг колхоз ва совхозларидан келган сут соғувчиларидан 20 киши илғор тажрибаларни ўргана бошлади. Ўлардан кейин бу ерга Андижон ва Фарғона областларининг сут соғувчилари келишади. Қишки ўқув даврида А. И. Чудная-нинг 165 издоши машинада сут соғиш маҳоратини ўрганиб кетади.

Яқин кунларда илғор тажрибани ўргатувчи яна битта республика мактабида машғулотлар бошланди. Пахтачиликни комплекс механизациялаш бригадаларининг раҳбарлари, сабзавотчилар, боғдорлар, қорақўлчилар, паррандачилар ва бошқа касб эгалари ўз малакаларини оширадилар.

(ЎзТАГ).

ЧОРВА ҚИШЛОВИ НАМУНАЛИ ЎТСИН!

ТУН ОҒУШИДА

ЯЙЛОВДАН РЕПОРТАЖ

Тун. Яйлов қўйнидамиз. Изғирин шабада юз, кўзларни чимчилаб ўтяпти. Мовий денгизда сузаётган ой, юлдузлар бекинмачоқ ўйнаётгандай, гоҳ ҳарир булутлар орқасига бекинса, гоҳ юзидан пардани кўтариб оламни мунаввар қилади.

Олисдан моторнинг гуриллаган овози эшитилади, милтиллаган чироқлар кўзга ташланади. Ярим кечага бориб ҳаво чарақлаб кетди. Изғирин кучайди. Ой чўққига қўнганда узун соялар қисқарди. Худди шуни кутгандек, кунгура шохли серка эчки ётган жойидан туриб, яйлов қўйнига шўнғиди, қўй-қўзилар унга эргашди. Яйлов жонланди.

Биз чўпон Норбўта Нуралиев билан гурунглашиб, отар кетидан боряпмиз. Унинг елкасида чўқмор бошли ялғун таёқ.

— Яйловнинг ҳам ўзига хос гашти бор, — гап қотди суҳбатдошимиз подадан кўзини узмай, — қаранг, ҳавони сипқариб тўймайсан, киши! Тоғ шабадасини жонга роҳат дейишади. Изғирин ҳам маза. Тунини айтмайсизми, ой, юлдузлар жамолига маҳлиё бўлиб, тонг оғганини ҳам сезмай қоламан. Рост айтсам, йигирма беш йилдан буён мени яйлов кездирган осмон латофати-ю, қўй-қўзилар меҳри.

Норбўта ака чўпонга хос ҳайқириқ билан серка томон боқиб овоз солди. Жонивор худди гапни уққандек, йўналишни ўзгартириб ўнгга бурилди, қўй-қўзилар ҳам ўша томонга йўл олди. Норбўта ака илдам олдинга ўтиб, подани чап томонга қайтарди-ю, синчковлик билан жарга қараб қўйди.

— Жарга зеҳн солиб қолдингиз, бирор ҳодиса рўй берувдими?

— Ҳа, бундан беш-олти йил муқаддам шу жар ёқасида уч бўри билан олишиб иккитасини ер тишлатдим-у, биттаси бир бош қўйни ёриб кетди. Шундан буён жарга дуч келсам эҳтиётлик билан қарайман. Чўпон қўйни асраса, бўри чўпонни пойлайди, биродар. Ҳушёр бўлиш керак.

Шерикларимиз Норбўта акага маънолик қараб қўйди. У буни сезмади. Чунки диққат-эътибори подада эди. Икки соатдан ортиқ йўл босдик. Лекин ҳорғинлик сезмадик. Ҳа, Норбўта ака айтганидек, қалбимизни ой, юлдузлар жамоли-ю, қўй-қўзилар меҳри чулғаб олганди. Моҳир чўпон қўйларни яйловда боқиб семиртириш усуллари ҳақида гапирди.

— Қўрадан чиқарилган қўй-қўзи тағин қўрага киргунча яйлов кезиши керак. Бунинг бонси бор. Оёғи тинмаган қўйнинг оғзи тинмайди. Демак, у кўп хашак еб, тез семиради. Бир кеча-кундузда 18-20 чақирим юргизилса, кутилгандан зиёд семиради. Тунда бир-икки соат дам берилса кифоя. Масаланинг яна бир нозик томони бор. Бўгоз совлиқни узоқ ётқизиб бўлмайди, бола ташлайди. Баъзан бир қўзининг териси икки хил бўлиб туғилади. Сабаби, совлиқ кўпинча ўнг ёни билан ётади. Натижада ўнг томондаги юнг сифатсиз ўсади, чап ёнидагиси тез ва соз ўсиб, қалами формага киради.

— Бугун мўлжалингизда қанча йўл босилди — қизиқиб сўрадик.

— Ҳов анави қояга борсак, — деди у қўрсаткич бармоғи билан тоғ томонга ишора қилиб. — Ўн чақирим йўл босилади. Ўша жойда қудуқ бор. Қўй-қўзиларни суғориб, сўнгра кетига қайтараман. Қўра ёнига келгунча яна ўн чақирим йўл босилади.

Норбўта ака йўл-йўлакай қизиқ воқеаларни ҳикоя қилиб берди.

— Кўз олдингизга келтиринг: ҳавони бирдан булут қоплаб, қаттиқ сел-жала қуя бошлади. Қўра узоқ, бекинадиган жой йўқ. Нима қилиш керак? Қўй-қўзиларни дарҳол ёнбағир жойга қайтариб ётқизиш лозим. Қўй-қўзининг ости қуруқ бўлса, устидан челаклаб сув қуйганда ҳам кор қилмайди. Аммо уларни ҳеч қачон ўз қийининг устига ётқизмаслик керак. Қийдан чиққан заҳарли модда ўпка ва жигарни заҳарлайди, кўпинча жигар қурти, кўкйўтал, босқоқ касаллиги шундан пайдо бўлади. Қўйлар ёз фаслида шамол келаётган томонга қараб юрса, қиш фаслида шамолдан бекинишга ҳаракат қилади. Тоғ шароитида шамол-бўрон тез-тез бўлиб туради. Шу сабабли бўгоз совлиқларни қўрадан жуда олислатиб юбормаслик лозим. Шуни ёдда тутиш керакки, эҳтиётсизлик орқасида бир бош қўйнинг қўлдан берилиши келгусида уч бош қўй чиқимга чиқди, деган сўз.

Қўй-қўзилар қудуқ ёнига келиб охурлардан ем еди, сўнгра сув ича бошлади ва ниҳоят, яйлов сари юрди. Чоракам бир соатда салкам 700 бош қўй-қўзи ем еб, сув ичиб бўлди. Норбўта аканинг подаси яйловга кирганда охурлар ёнида Бекназар Валибеков билан Раҳмон Жумаев отари пайдо бўлди. Сўнгра улар ўрнини Мамадиёр Каримов билан Қувват Ботиров боқимидаги қўй-қўзилар эгаллади.

Шу куни тунда Нурота районининг Жўш номи билан аталган серўт яйловларида 2-«Қўшработ» совхозининг 52 минг бош қўй-қўзиси боқилди. Азамат чўпон-чўлиқлар халқ бойлигини кўз қорачиғидек асраб чиқишди. Бу карвонга СССР Олий Советининг депутати Норбўта Нуралиев бошчилик қилди. Ҳаёт изида давом этди. Яйловларда чўпонларнинг қурей-қурейи авжга чиқди. Мотор гуриллаб охурлар сувга тўлдириляпти, концентратдан аралаш озуқа тайёрланяпти. Жўш яйловлари қоракўлчилик базаси, гўшт, ёғ, жун конига айлантириляпти. Бир тунги меҳнат шундан далолат берди.

М. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ҚОРА МАРВАРИД

Шу пайтгача ўзининг шеърлари ва достонлари билан китобхонларга таниш бўлган шоир Юсуф Шомансур проза жанрида ҳам қалам тебрата бошлади.

У яқинда «Қора марварид» деган роман ёзиб тугатди. Бу асарда ёшларимизнинг қайноқ ҳаёти, юксак идеаллар учун кураши ва меҳнати кўтаринки руҳ билан тасвирланган.

Қуйида сиз шу асарнинг айрим боблари билан танишасиз.

Ҳикмат билан Оқила ниҳоят концерт бўладиган куни белгилаб, ҳамма ёққа эълон тарқатишди. Манти пиширишга тоғиб пазандаларни аниқлаб ҳукм чиқариш учун жюри аъзоларининг рўйхатини тузиб чиқишди. Рўйхатга беш киши кирди: сартарош Хегай, Сатторов, Эргаш кабоб-ли, бош инженер Акромов, мастер Карогозин.

Карагозин ажойиб одам экан. Оқилага у ҳақида Ҳикмат кўп гапириб берган бўлса-да, кўриш бошқа экан: у Ҳикмат таърифлагандан ўн чандон ортиқ эди. Уни конда ҳамма яхши кўрарди. У ҳаммани яхши кўрмаслиги маълум бўлса-да, ҳатто унинг «душманлари» ҳам «Қоракўзим» деса тахт туришарди. «Қоракўзим» деган лақабга у шу қадар ўрганиб кетган эдики, ҳатто имзо чекиб пул олаётганда ҳам, ўзбекча қилиб катта «К» билан фамилиясини ёзарди.

«Қоракўзим амаки», «Қоракўзим почча», «Қоракўзим дўстим» деган гапларда ҳеч қанақа ғайритабиийлик билинмасди. Қоракўзимнинг ўзи ўзбек тилини мақолсиз гапирмайди, ҳатто ўзбеклар билмайдиган мақоллари ҳам ишлатиб, одамларни кулдиради. Бундай пайтда у русча мақолларни ўзича ўзбекчалаштириб гапирарди. Шундай ўзбекчалаштирадики, мақолнинг чоки билинмай кетади. Худди Арслонтошда туғилган мақолдай оғиздан оғизга ўтиб кетади. «Юз одамнинг отини билгунча бир одамнинг бетини бил», «Сўз берган одам бўз бермайди», деган мақоллар биринчи унинг оғзидан чиқиб тарқалган. «Пахта кўз оқи бўлса, нефть кўз қораси» деган мақол эса ҳеч қандай таржима эмас, Қоракўзимнинг қўлбола ижоди.

Бирпас гаплашиб ўтириб Оқила бир дунё завқ олди: у Қоракўзимни жюри аъзолигига кўндиргани борганди. Аввалига Қоракўзим кўнмади: йўқ, биродарлар, сўзгўлу, иш мева, сўздан унча фойда йўқ, ишга ўтайлик. Менинг маликаи диловримим ҳам қатнашмоқчи конкурсга. Манти пиширишни билмайди деган гапнинг тагига сув қуймоқчи шекилли. Мен бўлсам у пиширган манти ҳидини нариги маҳалладан ҳам сезаман, шундоқ бўлгандан кейин, уни еқламай, кимни еқлай. Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига ахир.

— Шошманг, шошманг, Қоракўзим ака, — деб унинг гапини бўлди Ҳикмат, — янтоқдан атир чиқмас, қўрқоқдан ботир чиқмас. Шунга ўхшаб, сиздан, Қоракўзимдан ҳудбин чиқмас, илтимос, бир хизмат қилинг, биз сизга ишонамиз. Вишка атрофида ўймалашиб трубабурга долота улаётган ишчилар ҳам сўзга аралашиб далолат қилишди, охири Қоракўзим таслим бўлди

— Майли, гуртнимаган туёқ йўқ, илинмаган ияк йўқ. Ахир, илинтиридиларинг-а? — деди Қоракўзим, ёшлар билан хайрлашаркан, — майли, омадларингни бersин, тўйларингдаям камишдан бед боглаб хизмат қилай. Бехиннинг новдасидан олиб қўйибман, Ҳикматвой, базмда ўзим «Губадабанг» қилиб ногора чалиб бераман. Э, бўлажак келин, оқилгина иш бўладими, ўшанда?

Оқила қип-қизариб қўл узатди:

— Хайр, раҳмат... Қоракўзим ака...

Қоракўзим ўз номининг яна янгичароқ айтилганидан завқланиб кулди-да, вишкага қараб жўнади.

* * *

Баланд дўнгликдан тушишда Оқила қийналиб қолди: назарида пастга қараб қоптокдай юмалаб кетадигандай, «вий-вий» дерди у ранги қув ўчиб, Ҳикмат аввал билиб билмасликка олди, бир таъзирини есин, кейин қучоқлаб тушириб қўйсам гинг демайди.

— Э, шошманг, тушолмётимман, — деб эркаланди у Тошкент шевасида. — Қаққа кетвобиза ўзи?

Ҳикмат ёрдамга етиб келди-да, Тошкент шевасига тақлид қилиб гапирди. «Бунақа вақтда Оқиланинг жони қиқилдогига келарди.

— Ҳа, яхши, — деди, — ишкилиб, сизга ўхшаб «ака-бака» демасам бўлдими, «вузвуз» дейиш қанақа чиройли...

— Албатта, чиройли. Биз қишлоқиларгаям раҳм қилинг, «ака-бака» десак дебмиз-да...

Оқила қотиб-қотиб кулди.

— Шу шеваларам қизиг-а, Тошкентда беш киши бир товоқ палов еб роса тўйдик, десангиз кулишади. Сиз қишлоқилар лаганни товоқ дейишингиз кимнинг хаёлига келади?

Ҳангома билан бўлиб идорага қиқилашиб қолишганини ҳам сезишмади. Ҳикмат ойқларини асфальтга тақ-туқ уриб чанг-чўнгларини қоқди. Қиз ойнага мўралаймўралай охири «қани кирайлик, ўзимам гўрдан чиққандай бўп кетибман» деди. Йигит «менинг кўзим билан» деб гап қистирмоқчи эди, Оқила илгариги даҳшатли қош чимиришини қилди — «Су-йил-минг...»

Уларнинг бахтига Сатторов йўқ экан, уни икки кундан бери Чўқайдида дейишди. Партком Соғиндиев, бош инженер Акрамов, бош геолог Алимов киманидир муҳокама қилиб ўтиришган экан. Эшикдан Ҳикматнинг бош кўриниши билан, «келинг, келинг мулла» кейинги дейишди. Ҳикматга қилинган илтифотдан фойдаланиб, Оқила ҳам ичкари кирди.

— Хўш, ёш гвардия, оламда нима гап? — деди Акрамов дўпписини ушлаб қўйиб, — бугун ишга чиқмабсизлар?

Ҳикмат бир йўталиб олди-да, бугун икковимиз ҳам мастерлиздан жавоб олгандик, концерт масаласи билан югур-югур қилиб юрибмиз, — деди Кейин Оқила нима мақсад билан идорага киришганини айтди.

— Э, деди Алимов, — омон бўлинглар, деворий газета деганни ўша куни бирдан кўриб, их, деб қолишга нима етсин? Ҳалитдан унақа, картани очиб юрманглар-да...

Партком эса ўйланиб қолди: бир чеккаси Алимовнинг шохи синади, қани кўрсак кўрайлик деса, бир чеккаси, газетанинг ўша куни бирдан кўзга ташлангани маъқул, хозир мана уч кишига маълум бўлди, бирор қизиқ гап бўлса шу уч киши яна камида уч кишига айтади, у уч киши...

— Сатторов кўрганми? — партком бу саволни бояги хаёл орасидан суғуриб олиб ўртага қўйди.

— Йўқ...

Партком яна ҳаёлга толди, Алимов ғайратига чидолмай ўтирган жойида қўзғалиб қўйди. Акрамов ҳал қилувчи гапни чўрт кесиб айтди-қўйди:

— Осмон узилиб ерга тушмас, деворий газета-ку... Бораверинглар... Ўша куни тўсатдан осинглар, унгача исини чиқарманглар...

Ҳикмат билан Оқила ташқарига чиққанларида Жўра қоровул катакон супурги билан қулочкашлаб ер супираётган экан. Қиз унинг ёнига бориб қолганини, салом беріб сўрашганини ўзи ҳам билмай қолди. Қоровул калласини бир марта «лик» эттириб қўйди-ю, ишида давом этаверди.

— Амаки, Сатторов қачон қайтадилар, сиз билмайсизми?

Оқила шу саволни бергач Жўра қоровул ишдан бошини кўтарди-ю, кўзларини одатдагидай очиб-юмиб қадалиб туриб қолди. Унинг бу ҳолатидан жаҳли чиққанини ҳам, юмшаганини ҳам билиб бўлмасди. Оқила нима бўлса-да, унинг бир оғиз сўзини эшитмоқчи эди, — йўқ бўлмади: Қоровул ичкарини — идорани кўрсатди-да, яна супургисига ёпишди. Бу билан у, ичкаридан сўрамайсанми, мени ўз ҳолимга қўй дегани эди. Ҳикматнинг чакаларблиги тутиб кетди:

— Юрсангиз-чи, шу шўр тумшуқ одам билан гаплашиб бўлармишми?

Бу гапга Жўра қоровул ўгирилиб қарамаса-да, лекин Оқила — бу гап қоровулнинг кўзига сиғдай бўлиб қадалганини ҳис қилди: назарида унинг елкалари кўтарилиб тушгандай, оғир хўрсиниб қўйгандай бўлди.

— Худди ёш пионерга ўхшайсиз-а, — деб таъна қилди нарироққа бориштач йигит, — ҳа бўлди-да, бир одам... унинг назарида ҳеч ким у билан гаплашишга арзимайди. Ҳадеб кетига тушаверманг...

Ҳикмат жаҳли чиқса дудуқланиб-дудуқланиб гапирарди: унинг нима демоқчи экани сўзидан эмас, кўпроқ кўзидан англашиларди. Оқила, катта аргувон тагига боришгач, унинг кўзларига маъюс тикилиб турди: йўқ, у қанчалик жаҳл билан гапирмасин, барибир у ҳам Жўра қоровулнинг тақдирига қизиқади: балки ўзича ўйлаб бирор қарорга келмагандир, шунинг учун хом шафтолининг пўстини артмоқчи бўлаётганим унинг ғашини келтираётгандир...

Ҳикматга Оқиланинг қилган оддийгина меҳрибончилиги, қичқина бир илтифоти ҳам дунёни қайириб берганчалик чуқур таъсир этарди: ҳозир унинг кўзларига майин қараб турини ҳам Ҳикматни довдиратиб қўйди: қизнинг лагман хамиридай ингичка қўлларини кафтига олиб, бояги жаззакилигига кечирим сўрагандай оҳиста жилмайиб қўйди: — Э-э... — деди дудуқланиб. Шунда Оқила: «Вой, ўлмасам, почтага кирмоқчийдим-а, ўтиб кетибмиз. Майли, хайр, — деди шошқалоқлаб.

— Нима...

Ҳикмат «учун»ини айтмасидан қиз жавоб берди: — Ойимга пул юбораман, бечора қийналиб қолдими, Мажид акам бўлса ўзингизга маълум...

Оқила кетгач, йигитнинг бораборгунча, нималардир кўнгли хира бўлиб борди: яқин қолди-я қайтишига, яна ўша хонадон, ўша ўтай она, ўша Мажид. Бечорага қийин... Тағин ўзини ўйламайди-да, аллақандай Жўра қоровулга ачинади... Эй, нега юрагим орқамга тортиб кетади, унинг Тошкентга қайтишини ўйласам? Телепатия бор гапмикин-а... Бирор нарсани сезяптимикин-а, кўнглим... Ойимга қолсаю, шу бугуноқ Оқилани келин қилсаю, кўнгли жойига тушса... Менку... майли. Хо, майлимуш, жон деб турибману... Ўзи, ўзи кўнмаяпти, қурғур... Миялик қиз, қирғига чидаган қирқ бирига чидайлик, ўқишни битирайлик, дейди...

Ақл билан эҳтирос — жанг қилгани қилгай экан-да, бўлмаса, унда эҳтирос йўқми, — тирноғигача эҳтироску-яі Аммо қурғунинг бир чимдим ақли филнинг белини синдиради... Бу ёғиям бор...

Шу ҳаёл билан йўлкадан тушиб кетганини ҳам сезмай қолди, Ҳикмат бир чарса келиб шундоқ ёнида «чиқ» этгандагина ўзига келди.

— Ҳа, Ҳикмат шер, — деб кабинадан бошини чиқариб турарди. Беқамчи, — мунча ҳаёл дарёсига томоғингдан ботмасанг...

— Э, шошма, газини ўчир машинани, сенда гапим бор, — деди Ҳикмат кабинага тирмашиб, — бирпас перекур қил, оғайни...

Беқамчи иши қанчалик зарур бўлса ҳам унинг сўзини тинглайдиган одам топилса, гаплашишга суяги йўқ эди.

— Сенинг ҳужжатинг йўқ холос, бўлмаса академиксан, билмаган нарсанг йўқ... Гапнинг бунақа даромадидан Беқамчи жуда ҳам очилиб кетди, оғзидаги папиросни нари-бери сўрди-да оёғининг остига олиб эзгилади.

— Менга шуни айт-чи, телепатия бор гапми, ё шунчаки латифами?

Бу гапга Беқамчининг жавоби тайёр бўлса ҳам, бирданига қолпнинг оғзини очмади Кейин кетмакет мисоллар келтириб Ҳикматни аҳкитириб қўйди.

— Тагин бир воқеани гапириб берардиму, — деди у охири, — Бакир оганинг пешанасига яна битта ажин қўндирмай дейман, борай, труба етказишим керак...

Беқамчи эшикни қарс этиб ёпди-ю, қуюқ чанг кўтариб жўнаб кетди. Ҳикмат уйга «ранг етиб олди-ю, қўлидаги деворий газетани тахмонга суриб қўйди. Ўзини таппа қўрпачага ташлади. Рухсора хола келиб ўғлининг бошини ушлаб кўрди:

— Вой, вой, иссиғинг ошиб кетибди. Эс-ҳушим қочиб кетди, муздай ичкизай десам, қатиғим ачиб кетди...

Ҳикмат бошини сал кўтариб жилмайди-ю, яна ястиққа ёпишиб олди. Кўз ўнгида Тошкент, аллақандай тўй. Тўрда капрон рўмолга ўраниб олган Оқила пайдо бўлаверди, пайдо бўлаверди...

— Уфф... — деди-ю, у ён томонга ағдарилди...

Юсуф ШОМАНСУР.

ВАЪДАСИ ЁЛҒОН

Бултур «Гулистон» колхозининг қишлоқларини электрлаштирмоқчи бўлишди. Бу ишнинг кафолатини «Райэлектросет» идораси раҳбарлари ўз зиммасига олган. Колхоз билан ташкилот ўртасида шартнома тузилди, имзолар чекилиб, думалоқ муҳрлар босилди.

Бирок яшин тезлигида бошланган иш ёмғирдан олдинги момақалдироқдай тўхтади қўйди. Нур таратувчилар хайр-мазурни насия қилиб жўнаб қолишди. Мана, орадан бир йил вақт ўтди, улардан ҳамон дарак йўқ. Яхши ният билан харид қилинган телевизор, радио приёмник, холодильникларни чанг босиб етибда, колхозчилар ҳамон қорачирок ёқиб ўтиришибди Пулни олиб, ишни чала ташлаб кетган Галлаорол район электр тармоқлари идораси раҳбарлари қачонгача ёлғон ваъда билан колхозчиларни юпатаркинлар?

Б. ЭШМОНОВ,
С. АБДУЛЛАЕВ
ва бошқалар.

БАЧКАНА ҚИЛИҚ

«Нурота» совхозининг Мажрум қишлоғида Ильич чироқлари доим порлаб турар эди. Нуртарқатувчи даргоҳга И. Бўтаев деган киши моторчи бўлиб келди-ю, чироқлар гоҳ ёниб, гоҳ ўчадиган бўлиб қолди. Бу ҳам камлик қилганидек, И. Бўтаев баъзида уч-тўрт кунлаб ишга келмайди. Оқибатда чироқлар ёнмай, одамларнинг дили сиёҳ бўлади. Бу ҳакда совхоз раҳбарларига кўп шикоят қилинди. Лекин, эркатой моторчини тартибга чақириб қўйишга уларнинг сўзи ўтмаяпти.

Э. ДАВРОНОВ,
Нурота райони.

«АНЗУРАНИНГ ЖАСОРАТИ»

Москвалик рассомлар А. А. ва П. А. Смолиндар қашқадарёликларнинг буюртмаси бўйича ишлаган янги расм «Анзуранинг жасорати» деб аталди. Қашқадарёда биринчи тракторчи комсомол Анзура Жўраеванинг босмачилар қўлида ҳалок бўлиши катта полотнода акс эттирилган.

...Бу воқеа 1926 йилда бўлган эди. Зўрлаб босмачига эрга берилган Анзура эридан чиқади ва паранжисини ташлаб милиция формасини кийиб олади. У Шаҳрисабз районидаги жонажон Аваз-малик қишлоғига шу тахлитда қўлида қурол б[illegible]лан қайтиб келади. Бу ерда Анзура бошқа актив комсомоллар билан биргаликда қишлоқ хўжалик кооперативи тузишда қатнашади, хотин-қизлар орасида катта тарбиявий иш олиб боради. Тез орада 22 яшар комсомол трактор рулини бошқара бошлайди. Совет ҳокимиятининг душманлари Анзурага разилона ҳужум қилиб, уни бўғиб ўлдирадилар.

Қашқадарёликлар 20-йиллар комсомолининг жасоратини хотираларида яхши сақлашяпти. У яшаб, ишлаган «Правда» колхозида Анзурага ҳайкал ўрнатилган. Область ўлкашунослик музейида эса ана шу янги расм осиб қўйилди.

Шўрли мамлакатларда

ЛЕНИНГА БАҒИШЛАНГАН ФИЛЬМ

РИМ, 14 январь. (ТАСС). Италиянинг демократик кино фирмаси «Унителефильм» чиқарган жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси тўғрисидаги ҳужжатли фильм «Барҳаёт Ленин» деб аталади. Шу кунларда фильм ишчиларнинг жуда кўп клубларига, маданият тўгаракларига, партия ячейкаларига ва Италия касаба союз ташкилотларига юборилмоқда. В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган йиғилишларда ва кечаларда шу фильм кўрсатилмоқда.

«Унителефильм» фирмаси вакилларининг ТАСС мухбирига айтишларича «Барҳаёт Ленин» фильми совет кинохроникасининг 1918—1922 йиллардаги лента-ларидан монтаж қилинган бўлиб, оммани ленинизм ва социалистик ғоялар руҳида тарбиялашнинг қимматли воситасидир. Бу — Ленин юбилейини байрам қилишга кўрилаётган тайёргарликка бизнинг қўшган ҳиссамиз бўлади.

Арабистон ярим оролининг шарқий соҳилида Форс қўлтиғининг сувлари Катар ярим оролининг қирғоғини ювиб ётган жойда бир неча орол бор. Ана шу хушманзара, хурмо дарахтлари билан қоплинган оролларнинг бирига араб шайхлиги жойлашган. Орол Бахрайн шайхлиги деб аталади. Унинг пойтахти — Манама эндликларга тўла. Бахрайн ороли аҳолисининг тақдири жуда фожиали ўтган. Форслар, турклар, Европа босқинчилари бу ерда ўз ҳукмронликларининг аянчли изларини қолдириб кетишган. Юқоридаги суратда Манама шаҳрининг марказида жойлашган шарқ бозорининг бир кўринишн. Пастдаги суратда эса баҳрайнлик савдогарларни кўриб турибсиз. Форс гилами тўқиш бўйича улар уста мутахассис ҳисобланадилар.

Р. Мосеев фотолари. (ТАСС).

НАРХ-НАВО ОШМОҚДА

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, 14 январь. (ТАСС). Бу ерда эълон қилинган расмий маълумотларга қараганда, 1969 йил мобайнида Бразилияда тиричилик қиммати 24,2 процент нўтарилган. Озиқ-овқат нархи 30,9 процент қиматлашган, квартира ҳақи 22,2 процент кўпайган. Кийим-кечак, рўзғор буюмлари қимматлашган; коммунал хизматлар ҳақи 30,5 процент ошган.

ТИНЧЛИК КЕНГАШИНИНГ БАЁНОТИ

ХЕЛЬСИНКИ. (ТАСС). Жаҳон тинчлик кенгашининг секретариати Американинг Лаосдаги агрессияси давом этаётганлиги муносабати билан жаҳон тинчлик кенгаши чиқарган баёнотни бугун эълон қилди. Баёнотда айтиладики, АҚШ империализми 15 йилдан бери Лаосдаги интервенцияни муттасил кучайтириб келмоқда. Бу мамлакат территориясини бомбардимон қилишда турли типдаги самолётлар, жумладан, стратегик бомбардимончи самолётлар ҳам ишга солинмоқда. Бомбардимонлар 1968 йил охиридан бошлаб айниқса кучайтирилди.

Жаҳон тинчлик кенгаши Лаосдаги уруш кучайтирилаётганлигини кескин қоралайди. У Лаоснинг ватанпарвар кучларини қўллаб-қувватлайди ва Шарқи-Жанубий Осиёда тинчлик ўрнатиш манфаатларини кузлаб, Лаосга доир 1962 йилги Женева битимининг бажарилишини талаб қилади.

Баёнотда тинчликни ҳимоя қилувчи барча миллий комитетларга, ҳамма прогрессив ташкилотларга ва холис ниятли кишиларга мурожаат қилиниб, Лаос халқининг ватанпарварлик курашини актив қўллаб-қувватлангиз, Америка агрессияси дарҳол ва ҳеч қандай шарт қўймасдан тўхтатилишини талаб қилингиз, деб даъват этилади. Лаос халқига ўз ишларини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи берилиши лозим, деб таъкидлайди жаҳон тинчлик кенгаши.

ИСПАНИЯДА СУВ ТОШҚИНЛАРИ

ПАРИЖ, 14 январь. (ТАСС). Испаниядаги катта дарёларнинг кўпчилиги, жумладан, Гвадалквивир, Эбро, Дуэро ва бошқа дарёларнинг суви тошиб, мамлакатнинг анчагина территориясига тарқалди. Бу сув тошқинлари жала ёғганлиги сабабли рўй берди. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, кейинги эллик йил мобайнида шунчалик кўп ёмғир ёғмаган эди.

ФИТНА ФОШ ҚИЛИНДИ

ХАРТУМ, (ТАСС). Судан мудофаа министри Ҳолид Ҳасан Аббос «Ал-Айём» газетасининг мухбири билан суҳбатда Судан армиясидаги реакцион гуруҳ фош қилинганлигини айтди. Бу гуруҳ ҳукуматни ағдариб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Фитнага бошчилик қилган истеъдодли бригада генерали Абдалла Муҳаммад Адам ва бир неча унтер офицерлар қамоққа олинган.

Мудофаа министрининг айтишича, фитнанинг тафсилотлари ҳозир ўтказилаётган тергов тамом бўлганидан кейин эълон қилинади.

ЯПОНИЯ ПАРЛАМЕНТИ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

ТОКИО, 14 январь. (ТАСС). Бугун Токиода Япония парламентининг 63-сессияси очилди. Бу — 1969 йил 27 декабрда парламентнинг вакиллар палатасига бўлиб ўтган сайловлардан кейинги биринчи сессиядир. Вакиллар палатасининг бугунги мажлисида Нака Фунада шу палатанинг раиси Сэйдзюро Арафунэ раис ўринбосари қилиб сайланди. Шундан кейин вакиллар палатасининг депутатлари Япония Бош министри лавозимига кўпчилик овоз билан (481 депутатдан 297 депутат) Эйсаку Сатони сайладилар.

«ЖАСУР ГРЕК» ВА «ҚОРА ПОЛКОВНИКЛАР»

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

Ўтган йилнинг декабрь ойида Америка сенати Афинанинг «қора полковниклар»ига ҳарбий ёрдамни кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шуниси диққатга сазоворки, бу воқеа Греция вакилларининг Европа кенгашидан «чиқиб кетиши» билан ҳеч содир бўлди. Шу кенгашнинг навбатдаги сессиясида Швеция, Норвегия, Дания ва бошқа Ғарбий Европа давлатлари вакилларининг хунтанинг «бемаъни қилиқлари» борасида ва уни Европа кенгаши ташкилотидан чиқариб юбориш тўғрисидаги таклифлари муҳокама қилиниши керак эди. Вашингтон маъмурлари Афина ҳарбийларига қурол-яроғ етказиб бериш тўғрисидаги қарорлари билан жаҳон жамоатчилигининг яна газабини қўзғатдилар. Уларнинг бу хатти-ҳаракатлари Грециядаги диктаторлик режими билан бирдам эканликларини яна бир бор намоён қилди.

Шу муносабат билан хунтанинг йўл-йўриғидан чиқмайдиган матбуот органлари «Бизнинг мавқеимиз НАТО доирасида кучайиб бормоқда», «Қўшма Штатлар бизни қўллаяпти, демак биз ҳақмиз» дея бир-бирига жўр бўлиб жар солмоқдалар. Греция бош министрининг ўринбосари Паттакос бўлса, сенат қарорларидан ниҳоятда хурсанд бўлганлигини билдирди. НАТО қўмондонлиги остида бўлган грек қўшинларининг 160 минг лик армияси, деди у, Америкадан янги қурол, айниқса оғир қуроллар олиши билан шу блокнинг умумий планларида янада муҳимроқ аҳамият касб этади.

Грециядаги ҳарбий диктаторлик режимини Қўшма Штатлар ўрнатгани ҳеч кимга сир эмас. У грек халқининг демократик интилишларини бостириш ва қадимий Эладани агрессив Шимолий Атлантика Иттифоқининг энг ишончли таянч пунктларидан бирига айлантириш учун шундай қилди. Бироқ «қора полковниклар»нинг жинояти бутун дунёда, шу жумладан Американинг кўпгина сенаторларида ҳам норозилик уйғотганлигини ҳам ҳамма билади. Шу сабабли дастлаб Вашингтон Афина режими масаласида ўзини четга олиб туришга мажбур бўлди. Масалан, 1969 йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб, Греция пойтахти Америка элчисисиз қолди. Бу хунтани жуда ташвишлантириб қўйди. Оқ уйдагилар «ташвишлаяпти» деб ёзган эди ўшанда «Нэа» газетаси.

Афтидан Вашингтондагилар хунтанинг ўзидан бўлмаса ҳам ундаги айрим кишилардан қандай қилиб бўлса ҳам воз кечиш устида жуда кўп бош қотирдилар. Бу фикрни Ғарбдаги халқаро шарҳловчилар ҳам бир неча бор ўртага ташлаган эдилар. Афинадаги янги элчини тайинлашнинг орқага сурилиши ҳам шундан бўлса керак. Ниҳоят 1969 йилнинг сентябрида президент Никсон бу лавозимга Генри Таскни тайинлаганида хунта матбуоти енгил нафас олди. Унинг кўнгли жойига тушгандек эди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, янги элчини расмий равишда тайинлаш масаласи сенатда бир неча бор орқага сурилган эди. Чунки сенатдаги демократик кўпчиликнинг раҳбари Мэнсфилд, сенатор Фрэнк Мосс ва бошқалар Таскнинг номзодига қарши чиқдилар. Шунга қарамай Таск шу лавозимга тайинланди.

АҚШнинг Афинадаги янги эмиссари Пентагон ва НАТО олдида «элчилик» фаолияти билан ўзини кўрсатган эди. Ахир у Ўрта ер денгизининг Мальта ва бошқа мамлакатларида ҳам АҚШ фойдасига жонбозлик кўрсатиб ишлаган эди-да. Сўнгги лавозимга тайинланиш тўғрисидаги кўрсатмани олиши биланоқ Таск ўз мақсадини яшириб ўтирмади: НАТО ва АҚШнинг содиқ шериги бўлган Грецияга ҳар томонлама ҳарбий ёрдам кўрсатилади, деди у.

Агар хунтанинг газетаси бўлган «Элефтерос космос»нинг сўзларига ишонадиган бўлсак, АҚШ сенатида келиб чиқишидан Америка-грек миллатига мансуб бўлган вице президент Спиро Агню қўллаб-қувватлаган группа ғалаба қозонди. Газетанинг ёзишига кўра, Қўшма Штатларнинг «қутқариш миссияси» Вашингтоннинг Жанубий-Шарқий Осиёдаги агрессив урушни «вьетнамлаштириш»дангина иборат бўлмай, балки НАТОнинг Жанубий-Шарқий қаноти бўлган мамлакатларни «эллинлаштириш» (ўқинг: фашистлаштириш) дан ҳам иборатдир. Хунта газетасининг ишонтириб ёзишича, барча «жасур грек»лар сингари Агню ҳам қаерда оғир бўлса, ўша ерга интилади. Ахир бугунги кунда Осиёнинг аҳволи жуда танг, шунинг учун ҳам вице президент ўша ёққа шошилди. «Элефтерос космос», ҳатто Никсон бевақт ўлиб қолган тақдирда (!?) АҚШ президенти тахтига Агню ўтиради деб орзу қилмоқда. Ушанда ҳозир Грецияда содир бўлаётган «яширин» воқеалар бутун дунёга маълум бўлади-қўяди.

Хунта газетаси АҚШ вице президентига умид боғлаётганлиги ҳақида биринчи бор ёзаётгани йўқ. Бироқ Агню бу ҳақда лом-мим ҳам демаяпти. У гапиришдан кўра ҳаракат қилишни афзал билади.

Аммо Том Папас сингари Грециядан чиққан Америка магнаталарининг ҳозир Афинада ҳукмронлик қилаётганлар билан бўлган алоқалари грек жамоатчилигига жуда яхши маълум. Биз АҚШ вице президентлигига Агню номзодини Афина маъмурлари қўллаб-қувватлаганликларини ҳам жуда яхши биламиз. Шунинг учун ҳам Грецияда Америка капиталининг кун сайин эмас, соат сайин ўсаётганини тасодиф деб бўлмайди. Ҳозирги кунда Грециянинг ташқи савдосида АҚШ биринчи ўринни эгаллайди. Мамлакатга қўйилаётган чет эл капиталининг 41 процентдан ошиқроғи эса Америка ҳиссасига тўғри келади. Шу боисдан бўлса керак «қора полковниклар»нинг бутун умиди «жасур грек» Агнюдан. Ахир у океан ортида бўлса ҳам хунтани ҳамиша қўллаб-қувватлаб турибди-да!

Д. ТУСЛЯНОС,
грек журналисти, (АПН).

«КИНГ КУНИ» — КУРАШ КУНИ

Прогрессив Америка негрларнинг гражданлик тенг ҳуқуқлари учун курашнинг атоқли раҳбари, 1968 йил апрелида ёвузларча ўлдирилган Мартин Лютер Кинг туғилган кун — 15 январни кенг нишонлади. Кинг бошчилик қилиб келган «Жанубдаги христиан раҳбарлик конференцияси» деган негрлар ташкилотининг раҳбарларидан бири руҳоний Уольтер Фонтрой Кинг хотирасига бағишланган митинглар ва бошқа маросимларда миллион-миллион америкаликлар қатнашганини айтди.

Қўшма Штатлардаги кўпгина жамоат ташкилотлари ирқий камситишга ва АҚШнинг Вьетнамда олиб бораётган урушига қарши 15 январда оммавий норозилик митинглари ва намойишлари ўтказишди. «Мартин Лютер Кинг АҚШда урушга қарши ҳаракатда жуда катта роль ўйнади, Вьетнамдаги урушга қарши чиққан дастлабки миллий раҳбарлардан бири бўлди, тинчлик Нобель мукофоти билан мукофотланди», — деди «Янги сафарбарлик ўтказиш комитети» Вашингтон бўлимининг раҳбари Дэвид Отто матбуот конференциясида гапириб. Шу сабабли биз, деди у, Вашингтоннинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши янги оммавий чиқишлар уюштирмоқ учун Кинг туғилган кунни танлаб олдик.

Говард университетидаги митингда пойтахт аҳолисидан минглаб киши қатнашди. Бу митингда вакиллар палатасининг Мичиган штатидан сайланган аъзоси Жон Коньерс ва «демократик озодлик партиясининг Миссисипи штатидаги вакиласи Фэнни Хеймер нутқ сўзладилар.

«Янги сафарбарлик ўтказиш комитетининг Нью-Йоркдаги бўлими ва ўз составида 15 ташкилотни бирлаштирувчи шаҳар руҳонийлар коалицияси ҳам шу куни оммавий митинг ўтказди. Митинг охирида Сентрал-Паркка марш қилинди.

Н. ПАХОМОВ,
ТАСС мухбири.

МУЗОКАРАЛАР ТУГАДИ

ҚОҲИРА, 14 январь. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси, Ливия ва Судан ташқи ишлар министрларининг уч кун давом этган музокаралари бу ерда тамом бўлди.

МЕН агентлиги матбуот учун тарқатган ва музокаралар тугаши билан эълон қилинган баёнотда шу нарса таъкидланадики, Бирлашган Араб Республикасининг президенти Носир, Ливия революцион кенгашининг раиси Каддафи ва Судан революцион кенгашининг раиси Нимейри ўртасида Трополида олиб борилган уч томонлама музокаралар давомида қабул қилинган қарорларни амалий равишда турмушга татбиқ этмоқ учун уччала мамлакатнинг ташқи ишлар министрлари Қоҳирада учрашдилар. Бирлашган Араб Республикаси, Ливия ва Судан ташқи ишлар министрлари, дейилади сўнгги баёнотда, министрликлараро қўшма комитетлар тузиш тўғрисида бир битимга келдилар. Ана шу комитетлар февраль ва март ойларида тўпланиб, ўз тавсияларини ана шу уч давлат бошлиқлари муҳокамасига тақдим этади.

Уч мамлакатнинг ташқи ишлар министрлари, дейилади баёнотда, дўст мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, империализмга қарши курашни кучайтириш каби масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

6.15 — Тонгги концерт, 8.25 — «Республикамни куйлайман» деган концерт, 9.30 — Фортепьяно пьесалари, 9.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат (тожикча), 10.10 — Куйлар, 11.15 — Коммунистлар ҳақида ҳикоялар: «Саид Ганнев-нинг ташвишлари» деган радиоочерк (русча), 11.30 — Кекса ижрочилар концерти, 13.30 — Совет композиторларининг енгил куйлари, 15.15 — «Қуёш ўлкасини куйлаб». Радиокомпозиция, 16.10 — Ишлар учун музикали соат, 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 17.00 — «Увертюралар» Музикали эшиттириш, 18.00 — Илмий-атеистик темаларда эшиттириш, 18.10 — В. Князев. Рубоб ва халқ чолғу асбоблари оркестри учун концерт, 19.20 — Чолғу куйлари, 20.00 — «Узбекистан индустриальний» радиожурнали, 20.30 — Саноат ходимлари учун концерт, 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 — Дала меҳнаткашлари учун концерт, 21.40 — Снёсий билимлар радиоуниверситети, 22.30 — А. Сент-Экзюпери. «Кичкинтой шаҳзода» радиопостановкаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Тошкент кўрсатади. **Рус тилида:** 18.00 — Телеянгиликлар, 18.15 — Ўзбекистон комсомолининг XIX съезди олдидан «Қишлоқ ёшлари клуби», 18.55 — «Ҳазина изловчилар», 19.20 — Музикали календарь.

Узбек тилида: 20.10 — Телеянгиликлар, 20.25 — «Сиҳат-саломатлиқ», 21.10 — Қишлоқ хўжалиги билимлари университети, 21.40— «Бўстон».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — Москва кўрсатувлари, 18.00 — Тошкент. Ўқув кўрсатувлари. 20.00 — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — Тошкент кўрсатади. **Рус тилида:** 20.20 — Ҳужжатли фильм, 21.20 — «Катта оила» (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/I да **Севги тумори**, 17/I да **Ойжамол**, 18/I да **Зулматдан зиё**, (кундузи), **Корсар** (кечқурун)

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/I да **Уғирланган умр**, 17/I да **Бой ила хизматчи**, 18/I да **Олтинчи июль** (кундузи), **Парвона** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/I да **Қайнона**, 17/I да **Ешлинда берган кўнгил**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/I да **Освенцим жаллодлари**, 17/I да **Учинчи орзу**, 18/I да **Дийдор** (кундуз соат 4 да).

КИНО

Озод туғилган — «СПУТНИК», «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 6 да), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10.20 минут ва кундуз 12 да), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1 ва 3 да).

Эр-хотининг уруши... (2-серия) — «УЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Унинг қаллиғиман — «ЧАЙКА» (кундуз соат 2, кеч 8 ва 9 ярим да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2 ва кеч 10 да).

Балли ёшлар! — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 1 ярим ва 5 яримда).

Тилла зирак — (ўзбек тилида, кундуз соат 4.40 минутда), **Анжелика — фаришталар маликаси** (2-серия, кундуз соат 1.40 ва кеч 7.40 минутларда): — НАВОИЙ номли.

Эрамиздан миллион йил илгари — «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кеч 7 да).

Тундаги портлаш — «МОСКВА» (эрталаб соат 11.30, кундуз 3.30, кеч 7.30 ва 9.20 минутларда).

Видолашув — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 4, кеч 6 ва 8 да).

САНЪАТ САРОЙИДА 18 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ЯНГИ КЕНГ ЭКРАНЛИ БАДИЙ ФИЛЬМ

«СЕВИШГАНЛАР»

НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

«УЗБЕКФИЛЬМ» киностудияси маҳсулоти.

Сценарий муаллифи — Одельша АГИШЕВ.

Постановкачи-режиссёр — Элёр ЭШМУҲАМЕДОВ.

Бош оператор — Гасан ТУТУНОВ.

Постановкачи-рассом — Садриддин ЗИЯМУҲАМЕДОВ, Магомет ЧОЧИЕВ.

Композитор — Богдан ТРОЦЮК.

Ролларни: Анастасия ВЕРТИНСКАЯ, Рустам САЪДУЛЛАЕВ, Родион НАХАПЕТОВ, Нелла АТАУЛЛАЕВА, Ҳамза УМАРОВ, Бахтиёр ИХТИЁРОВ ва бошқалар ижро этадилар.

Кеч соат 7 да фильмни яратганлар билан учрашув бўлади.

18 январда сеанслар: кеч соат 7 ярим ва 9 яримда;

19 январда — кундуз соат 5 яримда, кеч 7 ярим ва 9 яримда бошланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 10 дан кеч 9 гача очиқ.

Справка учун телефонлар: 44-21-74 (автоответчик), 44-56-18.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

18 январь кундуз соат 2 да 4—6 СИНФ УҚУВЧИЛАРИ УЧУН 3-МУЗИКАЛИ АБОНЕМЕНТ БУЙИЧА

УЧИНЧИ КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ

«БЕТХОВЕН»

Лектор — Полина РОЙТЕНБЕРГ.

Қатнашадилар: БУТУНИТТИФОҚ БАДИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР ҚУРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ УЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СИМФОНИК ОРКЕСТРИ

Дирижёр — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ЗОҲИД ҲАҚНАЗАРОВ

Солистлар: Марлис ЮНУСХОНОВ, Офелия ЮСУПОВА, Нина ТИТОВА, Дина САВЕНКО, Анвар НАЗАРХОНОВ ва

Успенский номли 10 йиллик музика мактабининг ўқувчиси НИГОРА АҲМЕДОВА

Концертмейстер — Узбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист МАРИАННА ШАБАДАШ

Концерт зали кассасида кундуз соат 12 дан билетлар сотилади.

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА (В. И. Ленин номли майдон)

19 январь кеч соат 8 да

КОНЦЕРТ

Берлиоз — «Гарольд Италияда» симфония.

Хачатурян — Оркестрли скрипка учун концерт.

Маҳмудов — Симфоник эскизлар.

БУТУНИТТИФОҚ БАДИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР ҚУРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ УЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СИМФОНИК ОРКЕСТРИ

Дирижёр — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ЗОҲИД ҲАҚНАЗАРОВ

Солистка — халқаро конкурс лауреати НИНА БЕЙЛИНА

Альт партиясини АБРАМ РОЗЕНБЛИТ ижро этади

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИГА тажрибали электр билан ёритувчи, радио ишини ҳамда дурадгорлик ва слесарлик ишини биладиган ишчилар, фаррошлар, гардеробчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, В. И. Ленин номли майдон, 5-уй.

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДАСИНИНГ БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ

ФИЛАРМОНИЯ ВА ЭСТРАДА ЖАНРЛАРИ БУЙИЧА КОНЦЕРТ

программаларини олиб бориш учун конферансьеларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс — 16 январда бошланади.

Аризалар билан ўзбек Давлат филармониясининг музика бўлимига мурожаат қилинсин.

Аризалар эрталаб соат 10 дан кеч соат 6 гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 10 уй.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» 9-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ 55-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ ТУГАТИЛИШИ

МУНОСАБАТИ БИЛАН шиноятлар 1 февралгача қабул қилинади.

А. Навоий номли Ўзбек Давлат академик катта театрининг коллективи Ўзбекистон ССР халқ артисти Р. Исахўжаевга укаси Эшон ИСАХЎЖАЕВ-нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216, Халқаро ҳаёт — 337604, Коммунистик тарбия — 331455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Наманган 21—88, Нукус — 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88 Урганч 34—55, Гулистон — 22—09.

№ Г — 12. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583 Р. — 01143.